

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГАЛАБАНИНГ 81 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москвада бўлди.

Давлатимиз раҳбари 9 май куни Москва шаҳрида Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 81 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.

Қизил майдонда Галаба паради бўлиб ўтди. Унда Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Лаос Президенти Тхонгун Сисулит, Малайзия Подшоҳи Султон Иброҳим ва бошқа хоржий делегациялар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Иккинчи жаҳон урушидаги Галаба миллионлаб инсонларнинг мислизи жасорати, матонати ва фидойилиги эвазига қўлга киритилган буюк тарихий воқеадир. Бу умумий Галабага жангдошларда ва фронт ортида чинакам қаҳрамонлик кўрсатган Ўзбекистоннинг кўп миллилатли халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Уруш арафасида республикамиз аҳолиси 6 миллион нафардан зиёд эди. Синовли йилларда қарийб 2 миллион нафар ўзбекистонлик фронтга сафарбар этилди. Қонли жангларда 538 мингдан ортиқ юртдошимиз ҳалок бўлди, 158 мингдан зиёди бедарак йўқолди.

Жасорати, мардлиги ва ҳарбий маҳорати учун Ўзбекистоннинг 214 мингдан ортиқ аскар ва офицерлари жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

301 нафар юртдошимизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, яна 70 нафари “Шон-шараф” орденининг тўлиқ кавалери бўлди.

Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ҳам Галабага улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Республикамиз фронтнинг ишончли таянчига айланиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, қурол-яроғ ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Қисқа муддатда Ўзбекистон ҳудудидан 170 дан ортиқ эвакуация қилинган корхона жойлаштирилиб, мудофаа санюантининг барқарор ишлаши таъминланди.

Урушнинг оғир йилларида халқимиз инсонпарварлик ва бағрикентликнинг юксак намунасини кўрсатди. Фронтга яқин ҳудудлардан эвакуация қилинган 1,5 миллиондан ортиқ инсон, жумладан, 250 мингдан зиёд етим болалар Ўзбекистонда бошпана топди. Меҳр-оқибат, ғамхўрлик, ночорларга ёрдан қўлни чўзишга ҳамisha тайёрлик халқимизнинг маънавий куч-қудрати ва олижаноблигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Бугун мамлакатимизда уруш қаҳрамонлари ва фронт орти меҳнаткашларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида барпо этилган муҳташам

“Галаба боғи” ёдгорлик мажмуаси аждоқлар кўрсатган қаҳрамонлик ва матонатга чуқур эҳтиром рамзига айланган.

Парад якунланганидан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путин ва бошқа етакчилар билан бирга Москвадаги Александр боғида жойлашган Номангум аскар қабрига гул қўйди.

Ушбу ёдгорлик Галаба йўлида жон фидо қилган миллионлаб аскарлар, шу жумладан, Ўзбекистон фарзандлари хотирасига эҳтиром ифодаси бўлиб, Ватан ҳимоячиларининг матонати, қаҳрамонлиги ва фидойилиги рамзи ҳисобланади.


Маросим бир дақиқалик сукут, фахрий қоровул ва ҳарбий оркестрнинг тантанали юриши билан якунланди.

Давлатимиз раҳбари Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Словакия Бош вазири Роберт Фитсо, Малайзия Подшоҳи Султон Иброҳим ва Лаос Президенти Тхонгун Сисулит билан ҳам суҳбатлар ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ, ХОТИРАСИ – БАҲАДЁТ



Мамлакатимизда ўтганлар хотирасини ёд этиш, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашларда қурбон бўлган ота-боболаримиз, истиқлол даврида ватанимиз мустақиллиги ҳимояси йўлида жон фидо этган мард ўғлонларимиз хотирасини ёд этиш маънавиятимизнинг ажралмас бўлағига айланди.

Айниқса, охириги тўққиз-ўн йилда кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг беқиёс жасорати ва ма-

тонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, орамизда соғ-саломат яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларига, жонқуяр

ватандошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният, жумладан, халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талафотлар, бехисоб қурбонлар келтиргани яхши маълум. Унда қатнашган 2 миллионга яқин ўзбекистонликнинг 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 60 мингдан зиёди ноғирон бўлиб қайтганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди.

Давоми 2-бетда

ДОРИЛАМОН КУНЛАРДА ЯШАШ ЗАВҚИ

ЯНА ЙИГИРМА ЯШАР ЙИГИТ БЎЛГИМ КЕЛАДИ



Мен бахтли инсонман. Уруш жаҳаннамидан тирик чиқиб, фарзандлар тарбиялаб, уларнинг камолини, давлатимиз мустақиллигини, ҳозирги ободлик, эл фаровонлигини кўриб, дориламон кунларда яшайман. Кейинги йилларда мамлакатимизда катта ўзгариш бўлди. Бу йил 104 ёшни қарши олдим. Аҳли фаровонлиги, шаҳар ва қишлоқлар ободлигини кўриб, умримга умр қўшилмоқда.

Давоми 2-бетда

ҚАЁТГА ИШОНЧ БИЛАН ЮЗЛАНИШ БАХТИ

Қутилмаган фалокат рўй берганида Асрор 11 ёшда эди. Бир оз ўйинқароқлигимни ёки эътиборсизлигимдан юз берган аянчли ҳодиса сабаб бир кўлидан айрилиб қолди. Ёш бола иккинчи гуруҳ ноғирони сифатида рўйхатга олинди. Даволаниб, мактабга чиққач, муносабатлар, хатти-ҳаракатларда ўзини оғиз сеза бошлади.

Тендошларининг бошқача қарашлари унга ёмон таъсир қиларди. Гоҳида айримлар билан тортишиб қолганида устозлари унинг тарафини олиши ҳам ғашини келтирар, чунки жисмоний имконияти чекланганлигини эслатишга туюлаверарди. Вақт ўтиши билан бу ҳолатга кўника бошлади. Бир кўлда бўлса ҳам у-бу ишларни бажариб кетаверди.

Ўрта мактабни тамомлаганда Асрор техникани унча-мунча тушунарди, шу сабабданми, баъзан отасининг носоз

мотоциклини тузатишни ўйлаб қоларди. Роса уриниб кўриб эпловмади. Ўртоғи кўмағида мотоциклини устага олиб бориб, унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турди. Қисқа вақтда техникани соз бўлди. Эртаси куни Асрор катта кўчада мотоциклини бемалол бошқариб юрганини кўрганлар ҳайрон қолди. Ахир бир кўлда икки балонли техникани бошқариш оддий иш эмас. Асосийси, шундан кейин унча-мунча ишни ундашга мумкинлигига ишонди.

Давоми 2-бетда

Дунёқараш эврилиши

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ АЙНАН МАКТАБЛАРДА ҚЎЙИЛАДИ



Кейинги йилларда Ўзбекистонда жуда кўп янгилик ва ўзгаришлар, ортага қайтмас ислохотлар, бир-бирини тақрорламамас бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Уларнинг тарқалиши кузатиб, хабардор бўлиб, натижасини таҳлил этиш анча меҳнат талаб қилади. Президентимизнинг баъзи соҳалар бўйича чиқарган қатор фармон ва қарорлари ҳамда ташаббуси билан туб ислохотлар, янгиликлар амалга оширилди, самарадор механизмлар ҳаётга татбиқ этилди. Бу тармоқлар, соҳалар билан бирга юртдошларимизнинг муносабати, дунёқарашини ҳам ўзгартириб юборди.

Дунёқараш ўзгармаса, дунё ўзгармайди, дейишади. Ислохотлар ҳам Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаёт ўзанини буткул янги йўналишга буриб юборди. Атоқли ёзувчи Жорж Бернард Шоу “Ўзгаришсиз тараққиёт мумкин эмас ва ўз фикрини ўзгартира олмаганлар ҳеч нарсага ўзгартириш бўлмайди”, деб айтган эди. Давлатимиз раҳбари ҳам ислохотларни, аввало, юртдошларимизнинг фикрини ўзгартириш, дунёқарашини кенгайтиришдан бошлади.

Биргина мисол, халқимизнинг таълим соҳаси, илм-маърифатга бутунги

муносабати бундан ўн-ийгирма йил олдиндаги буткул фарқ қилади. Жорий йил 24 февраль куни Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг юқори суръатда ривожланаётган давлат деб эътироф этилгани маълум қилинди. Ёшларнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши кейинги йилларда таълим соҳаси, хусусан, Ўзбекистоннинг салкам 6,5 миллион ўғил-қизи ўқийдиган мактаб таълимидаги янгиликлар ҳосиласидир.

Давоми 5-бетда

“НАРПАЙ ТАЖРИБАСИ”

барча туман учун дастуруламал бўлади

Нарпай туманида бугун 235 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Географик тузилиш жиҳатидан жануби-ғарбий қисми чўл ва текисликлардан иборат бўлса, марказий ҳамда шимоли-шарқий қисмларида тоғолди рельефлари мавжуд. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди, иқтисодий фаолият эса қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва кичик саноат тармоқларига таянади.

Туман вилоят марказидан тахминан 100-110 километр узоқликда жойлашган. Транспорт инфратузилмаси нисбатан ривожланган, ҳудуддан халқаро ва ички аҳамиятга эга автомобиль йўллари ўтади. Бу эса иқтисодий ва логистика алоқаларини ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжудлигидан далолат. Худуднинг иқтисодий тузилмаси сўнгги йилларда диверсификациялашиб, саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалиги бир-бирини тўлдирувчи йўналишларга айланмоқда.

Жорий йил 18 март куни давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи



Президент ташрифидан сўнг

доирасида Нарпай туманида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, янги лойиҳалар ҳамда аҳоли кайфияти, шунингдек, келгуси режалар тақдироти

билан танишган эди. Шу ернинг ўзида Президентимиз раислигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йнгилиш бўлиб ўтган ва унда Самарқанд ишисизлик,

камбағаллик, инвестиция ва экспорт каби барча йўналишда намунавий вилоят бўлиши шартлиги қайд этилганди.

Давоми 3-бетда



ДОРИЛАМОН КУНЛАРДА ЯШАШ ЗАВҚИ

ЯНА ЙИГИРМА ЯШАР ЙИГИТ БЎЛГИМ КЕЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Болагимиз, очарчилик, қаҳатчилик йилларига тўғри келган. Бир тишлам зогора нон еган кишига ҳавас билан қарардик. Ота-онам тирикчилик, бир бурда нон топиб ейиш илинжида Норин туманидаги

Тўда қишлоғига бориб қолган. Мен ўша ерда туғилганман. Болагим нихоятда қийинчилик билан ўтган. 11-12 ёшимдан колхоз ишига қарашганман. Бир қафт ун топсақ, онам қозонда нон пишириб, белимга туғиб берарди. Даладан уйга келмайдиган отам ва акамга нон олиб бориб, уларга кўмаклашардим. Бўйим омон билан тенг келса ҳам ер ҳайдаганман. Катта Фаргона канали, Наманган канали қурилишларида қатнашдим. Тут пишиғида меваларини қуритиб, қишлоқ учун йиғиб қўярдим. Уйда бир туп тути бор одам бой-бадавлат эди ўша замонларда. Бу гапларни набираларимга айтиб берсам, чўпчакдек туюлади, ишонгиси келмайди.

Кейин уруш бошланиб кетди. Фронгта кетаётганимда 19 ёшда эдим. Эҳ-ҳе, уруш оловлари қанча оилалар ёстигини қуритди, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилди. Акам Раҳмонжон билан ҳарбий қисмда



“Хонадонимиздан йўқлаб келгувчилар қадами узилгани йўқ. Улар кўпинча узоқ умр кўриш сирларини сўрайди. Уларга шундай дориламон кунларга шукроналар айтиш, берилган умр, вақтни беҳудага эмас, эл-юрт манфаатига сарфлаш кераклигини, ҳалол меҳнат қилган кишининг умри зиёда бўлаверишини айтаман. Шунча имконият, фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту бекамлик бўлган юрда юзлар билан юзлаш ҳеч нарса эмас.

учрашганман. У бошқа фронгта жанг қилиб, оғир яраланганидан сўнг уйга қайтган. Биринчи жангда бир неча ҳамқишлоғим кўз ўнгимда ҳалок бўлди. Бу ҳолатдан таъсирланиб, бир неча кун ўзимга келолмаганман. Уйга хат ёзсам, ёлгон бўлса ҳам дўстларим соғ-саломат эканини айттардим. Бир сафар кўл-оғимдан яраланиб, тупроқ ичида қолиб кетибман. Кўзимни очиб қарасам, ҳарбий госпиталда ётган эканман. Қисқа даволанишдан сўнг яна олдинги сафга қайтганман.

Ҳозирги давр ёшларига жуда ҳавас қиламан. Қўлларини қаёққа узатса етади.

Яқинда Президентимизнинг Фарғонага келганини эшитдим, телевизорда кўрдим. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида кечаю кундуз қайгураётганини кузатиб қувондим. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз билан учрашиб, ҳамсухбат бўлган дамларни ҳеч қачон унутмайман. Бирга тушган суратимиз уй-музейимнинг энг қадрли бойлиги сифатида эъзозланади.

Марғилонда тош, шағалли ерларда янги шаҳар, дам олиш майдонлари, сайилгоҳлар қурилганидан хабар топдим. Ўғилларим байрам кунлари афсоналар шаҳрига сайилга олиб чиқамиз, деяпти. Бу ерлардан кўп ўтганман. Иллар давомида сувсизликдан қақраб ётган дала-даштлар бунчалар чиройли бўлиб кетади деб ҳеч ким ўйламаганди. Қилса бўларкан-ку. Ҳамма нарса эл осойишталиги, фаровонлиги, дастурхонлар тўқинлиги қаратилган. Буларни кўриб, яна 20 яшар йигит бўлиб қолгим келади.

Хонадонимиздан йўқлаб келгувчилар қадами узилгани йўқ. Улар кўпинча узоқ умр кўриш сирларини сўрайди. Уларга шундай дориламон кунларга шукроналар айтиш, берилган умр, вақтни беҳудага эмас, эл-юрт манфаатига сарфлаш кераклигини, ҳалол меҳнат қилган кишининг умри

зиёда бўлаверишини айтаман. Шунча имконият, фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту бекамлик бўлган юрда юзлар билан юзлаш ҳеч нарса эмас. Сизлар менадан-да зиёда умр кўрасизлар, дейман ишонч билан. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати пул мукофоти ва бошқа қимматбаҳо эсдалик совгалар олдим. Ҳаммаси учун катта раҳмат.

Одилжон ЗОКИРОВ,
Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, Тошлоқ тумани



Орамиздаги одамлар

ҲАЁТГА ИШОНЧ БИЛАН ЮЗЛАНИШ БАХТИ

Бошланиши 1-бетда

Нишон туманида деҳқон оиласида туғилган Асрор Қурбонов кейинчалик кўчатчилик билан ҳам шуғулланиб кўрди. Томорқасида ўрик, ёнғоқ кўчатларини кўпайтириб, бозорда сотадиган бўлди.

— Кўчатчиликни бошлашимга қўшим сабабчи бўлган, — дейди Асрор Қурбонов. — Ўша пайтлари маҳаллаимизда бор-йўғи биттагина арча бўлиб, қўшимизнинг ҳовлисида ўсиб турарди. Доим яшил бўлиб тургани учунми, ҳавасим келган. Эрта куз маҳал негадир шу арчани кесадиغان бўлишди. Сабабини сўрасам, ҳовлига соя солиб, бошқа экинлар ривожига таъсир қилаётганини айтишди. Иложи бўлса, шуни увет қилмасликларини илтимос қилсам ҳам қулоқ тутишмади. Яқин нарсамдан

Йигит кишига қирқ ҳунар оз, дейди халқимиз. Бир иш билан чекланиб қолмадим. Икмон даражасида интилиб, ҳалол меҳнат ортидан ҳаётим яшилди. Ногиронман дея қараб ўтирмадим. Бирор марта ёрдам сўраб маҳалла ёки ҳокимлик эшитгани тақиллатиб бормадим. Шукрки, бировдан камимиз йўқ...

Бугун Асрор Қурбонов истиқомат қилаётган Жануб маҳалли маҳалласи фаоллари у билан фахрланади. Боиси, еш тадбиркор ҳар бир ишни ўрнатқ бўлари даражада бажаришга ҳаракат қилади. Хусусан, беш тонна ҳажми ҳовуз қуриб, ёмғир, қор сувини шунга тўплайди. Йиғилган сув томчилик сугориш усулида қўлланилгани эвазига анча вақтга етади. Шу билан бирга, қулупнай кўчатини ҳам етиштириб, сотувини йўлга қўйган. Ҳозир ўз томорқасидаги беш сотих ерда қулупнай етиштириб,



“Инсон меҳнат қилганидан сўнг роҳатини ҳам кўриши керак. Насиб этса, жорий йил якунига қадар бу ердан бир миллиард сўмга яқин даромадни мўлжаллаб турибмиз. Келгуси йилда эса ҳосилни тўлиқ экспортга чиқарамиз. Бундан ташқари, бўш ерга дарахт уруғларини сепиб чиқдик. Икки-уч йилда тайёр кўчат бўлади. Бир томонда каврак кўчати ҳам етиштиришни йўлга қўйдик.

айрилиб қолаётганимдан афсусландим. Кўп ўтмай шу арча уруғини олиб кўпайтириш ҳақида ўйлаб қолдим. Қулаган арча дарахти уруғларини битта қолдирмай териб, баҳор келганда доналаб экиб чиқдим. Ишонасизми, уруғлар униб чиқишини жуда хоҳлардим. Деярли ҳар куну бир марта сув қуйиб, қараб чиққанман. Кунлар ўтиши билан уруғларнинг деярли ҳаммаси униб чиқди. Хурсанд бўлдим. Битта кесилган дарахт уруғидан икки юзга яқин кўчат етилди. Беш-олтитасини кўча тарафга экиб чиқдим. Буни кўрган сўровчилар кўпайди. У пайтлари буни сотиб, даромад топиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагандим. Кўчат сўраганларга уч-тўрттасини бепул бердим. Бир куну кўшни маҳалладан ўнга ниҳол сўраб келишди. Кавлаб бердим. Қўлимга пул тутқазилди. Олишга иккиландим. Аммо у киши қўймадан бериб кетди. Санаб кўрсам, анчагина экан. Демак, бундан даромад топиш мумкинлигини англадим...

Шундан кейин ёш йигит ишга жиддий ёндашди. Энди мевали дарахтларни ҳам кўпайтиришга киришди. Ўрик, ёнғоқ экиб, кўчатларини сотишни йўлга қўйди. Тез орада тажрибали боғбонга айланди. Топган даромад билан рўзгорга ҳам нафи тега бошлаганидан ота-онаси ҳам мамнун бўлди. Кейинчалик уйланди. Машина олди. Томорқасининг бўш турган жойига иссиқхона қурди.

— Иссиқхонага помидор экаётганига анча йиллар бўлди. Ўша пайтлари туманида санақли кишида иссиқхона бор эди, — дейди у. — Беш сотих ердан анчагина ҳосил олардим. Аммо негадир харидор кам бўлган. Таниш ишбилармонлар тақлифи билан хорижга сотишни йўлга қўйдим. Уч-тўрт йил экспорт қилдим. Яхшигина фойда кўра бошладим. Бирим икки бўлди. Кўпчилик бир қўлда шунча меҳнат қилишини кўриб, ҳайрон қоларди. Аслида, ҳаммаси кишининг ўзига боғлиқ. Одам бахтни ўзи яратди. Очигини айтсам, оила кўрмасдан олдин эртанги кунда фарзаңдлик бўлсам, қандай вояга етказаман деган кўрқув бор эди менда. Бошқалардан кам бўлиб ўсмасикан деган ўйда юрардим. Лекин одам ҳеч маҳал руҳан чўкмаслиги керак экан. Кечани кеча, кундузни кундуз демасдан ишладим. Аста-секин ҳаммаси йўлга тушиб кетди. Фарзаңларимни ўзгалардан кам қилмасдан тарбиялапмиз.

ойига ўртача эллик-олтмиш миллион сўм топмоқда. Бундан ташқари, ўтган йил охирида қўшимча 50 сотих ер олди. У жойга иссиқхона қуриб, помидор, бодиринг, қулупнай экди. Ишис ўн нафар ёшнинг бандлигини таъминлади.

— Ўтган йилнинг октябр ойида ишга кирганим, — дейди иссиқхонада меҳнат қилаётган Нишон исми йигит. — Олдин тайинли иш жойим йўқ эди. Ростини айтсам, чин дилдан истаса, ҳар бир ишни эплашига гувоҳ бўлдим. Асрор аканинг иш фаолияти мени руҳлангирди. Деҳқончилик сирларини ўргатишини сўраганим, мана, астойдил сабоқ берипти. Қишлоқда каттагина томорқам бўш ётибди. Ўйлаб кўрсам, хазина ҳовлимда экан. Келгусида бу ерда тажриба бўлиб, мен ҳам иссиқхона кўрмоқчиман. Ҳозир тўрт миллион сўмдан ортиқ маош оламан. Наҳотки, биз соғлом бўлиб, бор шароитлар, имкониятлардан фойдалана олмасак. Бу ерда ўн киши меҳнат қиламиз. Аслида, барчаси дангасаликни энгиб олишда экан. Шунда турли баҳона қилдирмасдан фақат натижа учун ҳаракат қилдирган бўламиз.

Айни кунларда янги иссиқхоналардаги ҳосил пишган. Ишчилар қулупнай ва бодиринг теряпти. Сотилган қулупнай овози бўлиб бориш шарт эмас. Харидорларнинг ўзи шу ердан олиб кетмоқда.

— Бу жой янги, тупроғи шўр. Шу боис, биринчи йил синов жараёни кетяпти, — дейди Асрор. — Лекин экинларимиз ривожий экан эмас. Айниқса, қулупнай тез мослашди. Кўзга бориб, барча иссиқхоналарда қулупнай етиштириш ниятимиз бор. Инсон меҳнат қилганидан сўнг роҳатини ҳам кўриши керак. Насиб этса, жорий йил якунига қадар бу ердан бир миллиард сўмга яқин даромадни мўлжаллаб турибмиз. Келгуси йилда эса ҳосилни тўлиқ экспортга чиқарамиз. Бундан ташқари, бўш ерга дарахт уруғларини сепиб чиқдик. Икки-уч йилда тайёр кўчат бўлади. Бир томонда каврак кўчати ҳам етиштиришни йўлга қўйдик.

Ҳалол пешона тери ортидан топилган нон, албатта, тотли бўлади. Асрор Қурбонов ҳам ўз бахтини ўзи яратган кишилардан. Қилаётган ҳар бир ишнинг эса бемалол фидойилликка, жасоратга менгзаш мумкин.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Муносабат



Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар ордан ва медаллар билан мукофотлангани ҳам уларнинг жасоратидан яққол далолат беради. Шунингдек, мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланган. Жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, кийим-кечак ва озиқ-овқатлар етказиб берилган.

Бундай мисоллар эса галаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол намойён этади.

ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ, ХОТИРАСИ — БАРҲАЁТ

асрлар давомида орзу қилган эркинлик учун ўз жонини қурбон қилганлар хотирасини ҳаммиса ёд этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Бугунги кунда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини ана шу аянчли оқибаглари

унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо оғоҳ ва хушёр бўлишга, ёшларни тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

“Инсонга тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик ҳар куну керак. Гувоҳи бўляпмиз, дунёда тинчлик омонат бўлиб қолди. Тинчлик учун шукроналикда бўлиш, меҳнат қилиш, доим изланиш муҳим. Шунинг учун халқимиз Хотира ва қадрлаш кунини юксак қадрлайди. Зотан, инсон қадри — улуғ, хотираси — барҳаёт.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 апрелдаги “9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳар бир уруш қатнашчисига берилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжатга асосан, бу йилги байрам тадбирлари “Бурч, жасорат, матонат!” шiori остида ўтказилаётгани ёш авлодини ватанга, халққа муҳаббат ва садоқат руҳида, жасур инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшади.

Бугун юртимиз тинчлиги, барқарорлиги учун жон фидо қилган инсонлар хотираси хурмат билан ёдга олинмоқда. Айни вақтда ҳаёт бўлган меҳнат фахрийлари ва кексаларга эҳтиром кўрсатишмоқда.





Президент ташрифидан сўнг

“НАРПАЙ ТАЖРИБАСИ”

барча туман учун дастуруламал бўлади



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бета

Хусусан, бунинг учун вилоят маҳаллалари инфратузилмасини яхшилашга 100 миллион доллар, умуман, вилоятга барча манбалар ҳисобидан 11 триллион сўм йўналтирилмоқда. Тадбиркорларга кредит ресурслари учун яна 18 триллион сўм берилаётгани таъкидланди. Ушбу маблағ, энг аввало, туманларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, пировардида ҳудуд иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилиши даркор.

Ингиллишда туманларнинг sanoat, servis ва қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари, ер ости ва ер усти захиралари, меҳнат ресурслари, аҳолининг бизнес ва касбий кўникмаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш, маҳаллалар имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир туманнинг ички ривожланиш моделини яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур таҳлиллар асосида туман ҳокимлари, “маҳалла этилиши” ва маҳалла банкларини ресурсларини энг кўп иш ўрни очадиган ва бюджет тушумларини оширадиган лойиҳаларга йўналтириши лозим. Ушбу тизим 1 майга қадар Нарпай ва Термиз туманларида жорий қилиниб, бутун республика учун намуна сифатида татбиқ этилиши белгиланди. Айниқса, Нарпай тумани мисолида sanoat ва сервисни ривожлантириш, ҳудудларга янги қиёфа олиб кириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Шунингдек, мутасаддиларга даромадни кўпайтириш бўйича Нарпай тажрибасини яратиш топширилди. Тумандаги 100 гектар майдонда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган sanoat зонаси ташкил этилиши ўзлон қилинди. Қайд этилишича, бу ерда жорий йилнинг ўзига 500 миллион долларлик лойиҳалар бошланади. Бундан ташқари, сунъий интеллект ёрдамида ҳар бир маҳалла имкониятини диагностика қилиш, ўсиш нукталарини аниқлаб, тумани ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, даромадни кўпайтириш бўйича Нарпай тажрибасини яратиш масалалари хусусида сўз борди.

Демак, бутун Нарпай ҳақида гап кетганда, масала одатгаддек фақат ер, сув ёки экин-тикин билан боғлиқ чекланган аграр тушунчалар атрофида кечмайди. Бу ерда замонавий фикрлаш тарзи, янги чарашлар синновдан ўтмоқда. Бу жараён қандай қилиб ривожланиши, бунда асосан нималарга та-

рақам билан тугамай, одамлар ҳаётига таъсир қила бошлаганидан дарак.

Шу билан бирга, ҳали тўлиқ ишга солинмаган имкониятлар ҳам бисёр. Ана шу вазиятда асосий бурилиш фикрлаш даражасида юз берди. Ҳудудни умумий кўрсаткичлар орқали баҳолаш етарли эмаслиги аён бўлди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ҳар бир маҳалла алоҳида ўрганилмаса, унинг ўзига хос кучли жиҳатлари очилмай қолади. Мисол учун, қаердadir сабзавотчилик яхши ривожланган, бошқа жойда иссиқхона учун шароит бор, яна бир ҳудуд хизмат кўрсатиши ёки кичик sanoatга ихтисослашган.

“Нарпай тажрибаси” деган тушунча айнан шу нуктада бор моҳияти билан намоён бўлади. Бу алоҳида лойиҳа номи эмас, балки қарашлар ўзгариши. Яъни ҳар бир ҳудудни ўз имкониятидан келиб чиқиб ривожлантириш, ресурсларни пухта таҳлил орқали йўналтириш, қарорларни аниқ ҳисоб-китобга таянган ҳолда қабул қилиш демакдир.

Уч устун ва ички мувозанат

Нарпай инфратузилма имкониятларига кўра ўта экстраординар, яъни ўзига хос ҳудуд, юртимизнинг бошқа туманларида деярли учрамайдиган ноёб ўсиш нукталари уйғунлигига эга. Тумани ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаётган стратегияда унинг иқтисодиёти уч асосий устунга таяниши қайд этилган.

Биринчиси — қишлоқ хўжалиги. Бу йўналиш ҳудуд учун нафақат даромад манбаи, балки турмуш тарзининг бир қисми ҳамдир. Ҳудуд азалдан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, ҳосилдор ер мўл, аҳолида агромаданият, деҳқончилик характери шаклланиган. Бир сўз билан айтганда, далада суяги қотган меҳнаткаш қатлам — катта салоҳиятга эга ишчи кучи мавжуд. Шу боис, умумий иқтисодий кўрсаткичларда ҳам айнан шу соҳа энг катта улушни эгаллаб турибди. 2025 йил якунларига кўра, қарийб 2 миллиард 950 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилган бўлса, бу йил 105 фоиз ўсиш суръати билан 3 миллиард 440 миллионлик маррага етиш мақсад қилинган.

Иккинчи устун — sanoat. Ушбу йўналишда ҳам ҳали тўлиқ очилмаган имкониятлар талай. Қўлбуки, туманнинг маъмурий маркази — Оқтош шаҳри бир вақтлар энг яхши sanoatлашган ҳудудлардан бири бўлган. Ўнлаб завод ва фабрикалар, жуда катта инфратузилма ишлаган. Деярли ҳар бир объекта алоҳида темир йўл ётқизилган. Бу эса жуда катта салоҳият деганидир. Аммо айни кунга келиб, уларнинг аксарияти маънан эскирган, яъни замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Sanoatнинг туман иқтисодиётидаги ҳозирги ҳажми 2025 йил маълумотлари бўйича 1 миллиард 280 миллион сўм. Прогнозларга кўра, 2026 йил якунида мазкур кўрсаткич салкам 1 миллиард 600 миллион сўми ташкил этиши кутилляпти. Бу ишлаб чиқариш сектори аста-секин ривож топаётганини аниқлатади. Мисол учун, яқиндагина ушбу ерда пахта толасидан чигитини ажратиб берадиган завод қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Учинчи устун — хизмат кўрсатиши. Нарпай ҳудудий жиҳатдан Ўзбекистоннинг қоқ марказида жойлашган. Масалан, газни маъмуриятнинг уч чеккасида бу чеккасига — Нукусдан то Фарғонагача пурақаб ҳайдаб берадиган марказий газ қувурлари



жиноят содир бўлган ва “қизил” тоифадаги ҳудудлар сирасига кирарди.

Ҳозир ушбу бозор республикадаги энг намунали, рақамлашган, сунъий интеллект бўйича ишлайдиган, хавфсиз комплекста айлан-тириляпти. Арзон ва хавфсиз, сифатли бозор моделини яратиш мақсадида ҳудудда дастлаб сунъий интеллект асосида ишлайдиган 250 га яқин камера ўрнатилди. Натижада бозор қисқа муддатда “қизил”дан “яшил” тоифага ўтди. Бундан ташқари, рақамли бозор тизимига ўтиш ишлари кетмоқда. Ҳар бир раста шартнома асосида берилиши тўғрисида давлатга тушум анча ошди. Хусусан, илгари 85-90 миллион патта пули йиғилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 500 миллион сўми ташкил қилияпти.

Бу ерни Тошкентдаги Абу Сахий бозори каби кенг тармоқли, улгуржи савдо майдонига айлантириш режалаштириляпти. Шу мақсадда Хитойдан тўғридан тўғри кийим олиб келиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бунинг учун бозор ёнидаги 3,5 гектар ерда карго хизмати йўлга қўйилляпти. Пировардида бозорни ривожлантириш, тадбиркорлар сонини кўпайтириш, шу орқали аҳоли фаровонлигига хизмат қилиш кўзланган. Ҳозир ҳудудда 3500 дан зиёд тадбиркор фаолият юритади. Янги лойиҳа бўйича бозор қайта реконструкция қилинган, 9800 дан ортиқ ишбилармон фаолият учун шароит ҳозирланади.

Демак, тузилма мавжуд. Уч асосий тармоқнинг ҳар бири ҳозирча алоҳида йўналишда ривожланимоқда. Энди масала шу характерли бўлганда, қандай қилиб ишлаб чиқариш тараққий этса, ўша ерда қайта ишлаш пайдо бўлиши, ундан кейин хизмат кўрсатиш тизимига улашиб кетиш керак. Ушбу занжир тўлиқ ишласа, тараққий суръати ҳам шунга яраша бўлиши шубҳасиз. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни — ички тузилма ишга солинмаган ресурслар ҳисобига юз беришни кўрсатади. Ер, сув, инфратузилма, бозор ва меҳнат салоҳияти бир тизимга боғланганда Нарпайда янги иқтисодий ҳаракат йўналишлари вужудга келади.

Энг аввало, туман учун йирик инвестиция портфели шакллантирилган. Умумий қиймати 276,1 миллион доллар бўлган 54 та лойиҳа sanoat, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги кесимида жойлаштирилган. Бу йўналиш оддий лойиҳалар йиғиндиси эмас, балки ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ ёпиш гоёсига таянган яхши тизимдир. Хомашё ҳудуднинг ўзига қайта ишланади, хизмат кўрсатиши эса шу жараёни тўлдирувчи бўлишига айланади. Натижада жорий йилнинг ўзига 1540 та янги иш ўрни очилди, 16,2 миллион долларлик экспорт салоҳияти юзага чиқди, sanoat ва хизмат кўрсатиш ҳажмида сезиларли ўсиш кутилмоқда.

Иккинчи йўналиш ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган. Сув таъминоти мураккаб, ҳосилдорлиги паст 1080 гектар майдон қайта кўриб чиқилиб, унда аънавий пахта ва галла экинларидан воз кечган ҳолда юқори даромадли йўналишларга ўтиш таклиф этилган. Бу ҳудудларда чорвачилик, интенсив боғдорчилик ва экспорт боғдорчилик етиштириш асосий йўналишга айланади. Мазкур модель орқали 20,7 миллион долларлик инвестиция жалб қилиниши, 250 та янги иш ўрни очилиши, ернинг иқтисодий самарадорлиги кескин ошиши кўзда тутилган.

“Нарпай модели пилот лойиҳа сифатида шаклланимоқда. Аввал туман даражасида синновдан ўтадиган бу тизим кейинчалик бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилиши режалаштирилган. Шу маънода, Нарпай тажрибаси оддий ривожланиш лойиҳаси бўлибгина қолмай, янги бошқарув моделига, ўзига хос “йўл харитаси”га айланиши кутилмоқда.

экспортга чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга жалб қилиш галдаги вазифалардан. Шунда даромад ҳажми бир неча баробар ортади.

Бу ўринда яна бир нозик савол юзага чиқарди: бу маблағ ва имкониятлар қайси нукталарга йўналтирилса, катта натижа беради? Айтганимиздек, Нарпай тажрибаси айнан мана шу савол негизда таркиб топмоқда. Зеро, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос кучли жиҳати бор. Ана шунини топиб, тавниб ҳаракат қилиш ўсиш нукталарини аниқлашда муҳим омилдир. Асосий мезон эса ички иқтисодий айланнинг шаклланиши. Шу жараён билан бирга инвестиция лойиҳалари ҳам табиий равишда пайдо бўлади. Янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш нукталари ва қайта ишлаш йўналишлари иқтисодий бўшлиқларни тўлдириб боради. Ҳар бир лойиҳа умумий тизимнинг узвий қисми сифатида ишлайди.

Шундай экан, Нарпай тажрибасининг энг муҳим қатламларидан бири ҳудудда йиллар давомида кўзга ташланмай келган имкониятларни очиб, лойиҳадан аниқ натижага айлан-тириш жараёнидир. Таҳлиллар туман иқтисодиётининг кейинги сакраши мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришдан кўра кўпроқ ишга солинмаган ресурслар ҳисобига юз беришни кўрсатади. Ер, сув, инфратузилма, бозор ва меҳнат салоҳияти бир тизимга боғланганда Нарпайда янги иқтисодий ҳаракат йўналишлари вужудга келади.

Иккинчи йўналиш ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган. Сув таъминоти мураккаб, ҳосилдорлиги паст 1080 гектар майдон қайта кўриб чиқилиб, унда аънавий пахта ва галла экинларидан воз кечган ҳолда юқори даромадли йўналишларга ўтиш таклиф этилган. Бу ҳудудларда чорвачилик, интенсив боғдорчилик ва экспорт боғдорчилик етиштириш асосий йўналишга айланади. Мазкур модель орқали 20,7 миллион долларлик инвестиция жалб қилиниши, 250 та янги иш ўрни очилиши, ернинг иқтисодий самарадорлиги кескин ошиши кўзда тутилган.

Учинчи йўналиш инфратузилма билан боғлиқ. Туман марказига олиб боровчи 36 километр йўл тармоғи 11 та маҳалла ва 45 миң кишининг иқтисодий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Узоқ йиллар таъмир кўрмаган ушбу йўллари янгилаш орқали ҳудуднинг ички ҳаракатчанлиги ошади, логистика харажати камайдди, бизнес фаолиги эса кучаяди. Шу жараёнда 11 та янги лойиҳа шаклланиши, 50 та иш ўрни очилиши, транспорт оқими тартибга тузиши кутилмоқда. Бу йўналиш иқтисодий фаолликнинг ҳудуд ичиде эркин айланишига хизмат қилади.

Тўртинчиси — ер ва хизмат кўрсатиш бозорини жонлантириш. Туман ҳудудида умуман олганда, Нарпайда шаклланиётган инвестиция модели алоҳида лойиҳалар йиғиндиси эмас. Бу ҳудуднинг барча ресурсларини яхлит занжирга боғлайдиган тизимдир. Ер, сув, йўл, энергия, бозор ва инсон ресурслари бир марказда бирлашса, иқтисодий ҳаракат янги босқичга чиқади. Шу нукта назардан, Нарпай тажрибаси ҳудудий ривожланишнинг янги модели сифатида ўзига хос йўлдан бормоқда.

Иқтисодий тизим билан боғлиқ категория

Ўзгаришлар оддий одамлар турмушида акс этмагунча ҳеч қандай амалий қийматга ҳам, айттулик аҳамиятга ҳам эга бўлмаслиги аён. Шу маънода, Нарпайни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш масаласи устида жиддий ва изчил ишлар бажарилмоқда.

Туман бўйича иқтисодий фаол аҳоли сони 102 миңдан ошади. Шундан 97 миңдан ортиғи банд, Ишсизлар сони 5000 атрофида. Мазкур кўрсаткични йил якунига қадар 3700 гача тушириш режалаштирилган. Фоиз ҳисобида қаралса, ишсизлик даражаси 4,9 фоиздан 3,3 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Шунингдек, туман бўйича камбағаллик даражаси 5 фоиз атрофида. Бу 2800 дан ортиқ оила дегани. Йил якунига бориб, ушбу рақамни 1400 тага туширишга қарар қилинган. Айни мақсадда “Бандлик дастури” доирасида 38 миңдан ортиқ фуқаро қамраб олинган бўлиб, бу олдинги даврдаги ҳолат билан солиштирганда қарийб икки баравар ўсиш демакдир.

Бу ўринда масала фақат иш ўрни очишда эмас, балки қандай иш ўрни экани ҳам муҳим. Оддий мантиққа кўра, паст даромадли, мавсумий ишлар узоқ истиқболда камбағалликни камайтирмайди. Бу билан ҳаёт сифатини таъмоман ўзгартриб юбориш имконсиз. Шу жараёнда энг муҳим ўзгариш камбағалликнинг ижтимоий ҳолат эмас, иқтисодий тизим билан боғлиқ категория сифатида қайта талқин қилинишидир. Содда қилиб тушунтирганда, агар ишчи кучи юқори самарадор соҳаларга йўналтирилса, натижа тез сезилади. Акс ҳолда, мавжуд ҳолат узоқ вақт ўзгармай қолиши эҳтимоли юқори.

Демак, ҳар бир ҳудудда даромадни тез оширадиган, кўп иш ўрни очадиган йўналишларни аниқлаш зарурати туғилади. Ана шу ёндашув “Ушш нукталари” деган тушунчани



sanoat va xizmat kўrsatishi uchun ajratilgan 9,9 гектар майдон, М-37 йўли бўйидаги 1,6 гектар ҳудуд ҳамда Нарпай канали бўйидаги 1,6 гектар ер аукцион орқали тадбиркорлик субъектларига ажратилиши режалаштирилган. Шу жараён тўғрисида 37,3 миллион долларлик инвестиция жалб қилинади, 488 та янги иш ўрни очилди, 24,4 миллиард сўмлик қўшимча солиқ базаси юзага келади. Шу билан бирга, sanoat, хизмат кўрсатиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида ҳам сезиларли ўсиш кузатилиши прогноз қилинган.

Бешинчи йўналиш замонавий аграр технологиялар билан боғлиқ. Гидропоника усулида ташкил этиладиган иссиқхона кластери 60 гектар майдонни қамраб олади. Сув таъминоти чекланган ҳудудлар учун бу моделга энг мақбул ечим сифатида қаралмоқда. 20 ва 40 гектарли ҳудудларда амалга оширилдиган лойиҳалар натижасида 12 миллион долларлик инвестиция жалб қилинади, 305 та янги иш ўрни очилади. Энг муҳим жиҳати, йил давомида барқарор маҳсулот етиштириш имконияти мавжуд. Ушбу йўналиш бутун Нарпай аграр тизимининг энг инновацион тармоғи сифатида машҳур бўлиб улгурди.

Олтинчи йўналишга кўра, энергетика ва савдо-логистика тизими модернизация қилинмоқда. “Тинчлик” подстанциясининг қувватини ошириш орқали 45 миң кишига, sanoat зоналарига ва йирик савдо мажмуаларига узлуксиз электр етказиб берилади. Шу билан бирга, “Мирбозор” бозори ва логистика маркази реконструкция қилиниб, 76,4 миллион долларлик ва 4,7 миллион долларлик лойиҳалар ишга туширилади. Бу тизим иқтисодий жараёнларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди, бозор фаолиятини барқарорлаштирилади.

юзага чиқарди. Нарпай тажрибасининг энг муҳим жиҳати ҳам шунда — бошқаруving маълумот, таҳлил ва сунъий интеллект асосида идора қилиш тизимига ўтилишида. Бу ерда гап шунчаки рақамлаштириш ҳақида эмас, балки қарор қабул қилиш маданиятини ўзгариши, ресурсларни бошқариш ва тақсимлашнинг янги услуби ҳақида кетмоқда.

Шу асосда ҳар бир ҳудуд учун ички ривожланиш модели яратилади. Унда қайси маҳалланинг қандай йўналиш бўйича салоҳияти юқори экани сунъий интеллект технологиялари асосида аниқланади. Илгари умумий ёндашув устун бўлган бўлса, энди ҳар бир маҳалла ўз характерни, таъбир жоиз бўлса, иқтисодий ДНКси билан ажралаб туради. Сунъий интеллект асосидаги таҳлил тизими ҳудуддаги ўзгаришларни реал вақт режимида кузатиш имконини беради.

Шу тариқа Нарпай модели пилот лойиҳа сифатида шаклланимоқда. Аввал туман даражасида синновдан ўтадиган бу тизим кейинчалик бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилиши режалаштирилган. Шу маънода, Нарпай тажрибаси оддий ривожланиш лойиҳаси бўлибгина қолмай, янги бошқарув моделига, ўзига хос “йўл харитаси”га айланиши кутилмоқда. Президентимиз ташрифидан сўнг бу борадаги ишлар янги тўлқинда, янада юқори суръатда ҳаё олади. Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалардан иккинчиси айни шу ҳудудда бунёд этилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Нарпай бутун ўз тараққийётининг кейинги босқичига ўтиш баробарида янги иқтисодий фикрлаш майдони ўлароқ, Учинчи Ўйғониш нафасининг энг чекка ҳудудларгача етиб бориб, керак бўлса, уни ривожланиш драйверларидан бирига айлантириш мумкинлигини кўрсатади.



ниш лозим, нималарни қай йўсин ўзгартiriш керак деган муҳим саволларга жавоб излашдан бошланади. Ўз навбатида, тумандаги аширин имкониятларни очиб, тўғри ҳисоб-китоб қилиш, муҳими, реал ҳаётга кўчиришдан иборат.

Туманда кейинги йилларда айрим кўрсаткичлар аста-секин юқорилади бошлади. Хусусан, хизмат кўрсатиши соҳасида ўсиш тезлашган — 119,8 фоизлик кўрсаткич шундан далolat беради. Экспорт ҳажмининг 125,7 фоиз ўсиши ҳам тасодиф эмас. Демак, ташқи бозорга чиқиб йўллари аста-секин очилмоқда. Энг муҳими, камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича катта силжиш кузатилмақда. Бу эса иқтисодий ўзгаришлар оддий тармоғи айнан шу ерда бунёд этилгани бежиз эмас. Бундан ташқари, ҳудуддан темир йўл ва М-37 халқаро магистрალი ўтган. Эътиборлиси, темир йўли билан магистрал орасидаги масофа бор-йўғи беш-олти километр ва уларга яқин жойда каттагина бозор мавжуд.

Имконият йўналишлари

Туман ички имкониятлари ҳисобига аста-секин олға силжияпти. Шу билан бирга, катта ўсиш фақат ички имконият ҳисобига юз бермаслигини ҳам унутмаслик лозим. Бундан ташқаридан кириб келадиган молиявий оқим, инвестициялар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Нарпайда бутун ана шу жараёнинг янги нафаси сезила бошлаган. Жумладан, кейинги даврда туманга йўналтирилган инвестиция ҳажми 155 миллион долларга етди. Шундан 88 миллионни тўғридан тўғри инвестиция. Бу эса ҳудуднинг экспорт салоҳиятига ҳам ижобий таъсир ўтказяпти. Туман бўйича экспорт ҳажми 16,2 миллион долларга етган. Ўсиш суръати 123 фоизни ташкил этади.

Экспорт таркибига қараганда, асосий улуш ҳали ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссага тўғри келади — 11,1 миллион доллар. Sanoat маҳсулотлариники эса 5 миллион доллар атрофида. Бу маҳсулотларнинг катта қисми хом ёки ярим тайёр ҳолатда экспортга чиқарилаётганини аниқлатади. Шу ўринда муаммо ҳам, имконият ҳам бир нуктада кесилишини кузатиш мумкин. Яъни инвестицияни маҳаллий маҳсулотларни шу ернинг ўзига қайта ишлаб, тайёр ҳолатда



Сунъий интеллект

Энди устунлик эмас, реал эҳтиёждир

Бугун сунъий интеллект технологиялари жаҳондаги глобал ўзгаришларнинг етакчи омиларидан бирига айланиб улгурди. Уни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасига жорий этиш ҳеч бир давлат учун энди инновацион устунлик эмас, балки рақобатбардошлик, самарали давлат бошқаруви, аҳоли турмуш сифати ва янгиликлар суръатини белгилаб берувчи ҳаётий эҳтиёждир.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар 4,75 миллион мактаб ўқувчиси ва талабани, 150 минг педагог-ҳодим ҳамда 100 мингдан ортиқ давлат хизматчисининг сунъий интеллект йўналишида билими ва малакасини ошириш белгиланган. Аҳолиямизни, бу жараёнда сунъий интеллект мактаб, касб таълими

ва олий таълим тизимларига интеграция қилинади.

Ушбу дадил қадам Ўзбекистоннинг рақамлаштириш йўлидаги муайян амалиётлардан омивий, инклюзив ва рақамли тараққиётга ўтганини аниқлади. Бу интеллектуал технологиялардан самарали фойдалана оладиган жамиятнинг

шақллантиришга қаратилган стратегик йўналишидир.

Айни йўналишда Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан aileaders.uz платформаси ишга туширилди. Унда БААнинг Дубай сунъий интеллект маркази, АҚШнинг Coursera ва Oracle, Ирландиянинг Alison, Хитойнинг Huawei ва бошқа етакчи компанияларнинг 90 дан ортиқ курсида халқаро стандартлар асосида бепул таълим олиш имконияти яратилди.

Бугунга қадар платформа орқали БАА билан ҳамкорликда йўлга қўйилган лойиҳа доирасида 850 минг иштирокчи бошланғич даражадаги сунъий интеллект асослари курсини тамомлади. АҚШнинг “Coursera” компанияси курсларида эса 150 мингдан ортиқ иштирокчи бепул таълим олиб, махсус сертификатлари қўлга киритди. Coursera платформасидаги 3000 та курс ўзбек тилига таржима қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида айна йўналишида “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси йўлга қўйилиб, 7-11-синфларда ўқийдиган 5000 ўқувчи дастурлаш ва хоржий тиллар бўйича ўқитилди. Жорий йилда ушбу лойиҳага 4000 ўқувчи қамраб олиниши режалаштирилган.

Шу билан бирга, бугун Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг олис ва чекка ҳудудларида АТ шаҳарчалар

фаолият юритмоқда. Жорий йилда Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳам ана шундай шаҳарчалар ташкил этилиб, 3000 ёш қамраб олиниши мақсад қилинган.

Бу ерда 1500 га яқин ёшлар хоржий тил ва ахборот технологиялари, жумладан, дастурлаш, график дизайн, СММ ва робототехника йўналишлари бўйича бепул таълим олмақда.

Яна бир муҳим жиҳат. Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида it-study.uz платформаси ишга туширилди. Платформага инглиз тили, электрон тижорат, СММ, график дизайн йўналишига оид 200 дан ортиқ видеодарс жойлаштирилди.

Мазкур платформа орқали 2025 йили “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 4 йўналиш бўйича бепул бир ойлик масофавий курслар ташкил этилди. Биринчи босқичда 36 мингдан ортиқ камбағал оила фарзандлари ўқитилди. Иккинчи босқичда курсни муваффақиятли тамомлаган 5000 камбағал оила фарзанди саралаб олинди, рақамли технологиялар ва хусусий ўқув марказлари, умумтаълим мактаблари ёрдамида профессионал АТ касблари бўйича ўқитилади.

IT-Talents дастури орқали 10 га яқин ўқув марказига экспортёр компаниялар учун малакали мутахассислар тайёрлаб бергани туфайли 1 миллиард сўмдан ортиқ субсидия ажратилди. CRM тизими орқали рўйхатдан ўтган ахборот технологияларига ихтисослашган ўқув марказлари сони 534 тага етказилди.

Марказларда ўқиган 73 мингдан ортиқ йигит-қизнинг яримдан кўпи АКД соҳасида ўзини ўзи банд қилди. Шу билан бирга, дастурнинг молиявий рағбатлангириш механизми доирасида АТ хизматлари экспорти йўналишида тахсил олган 122 битирувчига субсидия ажратилди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мазкур соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган давлат сиёсати олий таълим тизимида барқарор ва юқори ўсish суръатларини таъминламоқда. Хусусан, ахборот технологиялари йўналишида таълим берувчи олий таълим муассасалари сони 2023 йилда 60 тани ташкил этиб, уларда 50 мингга яқин талаба тахсил олган. 2026 йилга келиб, 145 та олий таълим муассасасида 123 минг талаба таълим олмақда. Бу соҳада кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва рақамли иқтисодиёт эҳтиёжларини тизимли таъминлашга хизмат қилаётганини аниқлади.

Сунъий интеллект асосидаги хизматлар, рақамли бошқарув тизимлари, тезкор ва шайхон давлат хизматлари мамлакатимизда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, янги иш ўринларини очиб ва одамларнинг кундалик ҳаётида кўмакчи вазифасини бажаради.



Феруза МАҲМУДОВА, Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази бош мутахассиси

Бундан саккиз йил аввал мамлакатимизда рақамлаштириш ва юқори технологияли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит давлат сиёсати ишлаб чиқилмаган, рақамли инфратузилма йирик лойиҳалар учун етарли эмас, кадрлар танқис, таълим дастурлари эса катта маълумотлар, робототехникага йўналтирилмаган эди.

Кейинги йилларда бу соҳада катта ўзгаришлар бошланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси ишлаб чиқилди. Технология парктар, замонавий АТ хабарли барпо этилди. Мутахассислар тайёрлаш дастурлари сезиларли кенгайтирилди.

Тиббиёт, таълим, транспорт ва давлат бошқаруви соҳаларида рақамли ислохотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон халқаро инновацион лойиҳаларга қўшилди, сунъий интеллект асосидаги ечимларни ишлаб чиқиш, ёшларнинг стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Сунъий интеллект бўйича ўтган йили 28 ноябрь куни бўлиб ўтган халқаро форумда давлатимиз раҳбари БАА билан ҳамкорликда старт берган “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси мамлакатимиздаги ислохотларнинг янги босқичи бошланганидан дарак беради.



Туризм

Туризм шундай серкира соҳаки, у аънанавий ишлаб чиқариш тармоқларидан тубдан фарқ қилади. Унда завод-фабрикалардаги каби моддий маҳсулот яратилмайди, аммо унинг самараси иқтисодиёт учун беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, сайёҳ мамлакатга қадам қўйиши биланоқ унинг ҳар бир харажати мезбон учун даромадга айланади. Масалан, меҳмонхонада яшаш, миллий таомлардан баҳраманд бўлиш, транспорт хизматларидан фойдаланиш, гидлар ҳамроҳлигида саёҳат қилиш ёки нимадир харид қилиш давлат иқтисодиётига тўғридан тўғри валюта кириб келишига хизмат қилади. Шу боис, туризм дунё иқтисодиётида “кўринмас экспорт” дея таърифланади.



Кўринмас экспорт

ёхуд сайёҳликнинг иқтисодий қудрати

Бугун мазкур соҳа Жиззах вилоятида ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Қулай географик жойлашув, халқаро аҳамиятга эга магистрал йўллар билан тугашлик вилоятини сайёҳлар учун очик ва осон етиб бориладиган манзилга айлантирмоқда. Бу эса, айниқса, транзит туризмни ривожлантиришда улкан имкониятлар эшитини очмоқда. Йўл-йўлакчи ташриф буюрувчи меҳмонлар учун яратилган шариотлар уларни нафақат қисқа муддатга тўхташга, балки ҳудуднинг гузал табии ва маданий мероси билан яқиндан танишишга чорламоқда.

Сўнгги йилларда вилоятда туризм инфратузилмаси тубдан янгиланмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, қулай йўллар, сервис хизматлар тақомиллашув ва янги сайёҳлик йўналишлари очилиши ҳудуд жойбардорлигини янада оширди. Натижада дунёнинг турли давлатларидан келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Мисол учун, агар 2017 йилга қадар Жиззах вилоятига хоржий сайёҳлар ташрифи йилга 3000 тадан ошмасди. Бу кўрсаткич 2025 йил якунига келиб, 512 мингга етди. Бу қарийб 170 баробар ўсish демакдир. Маҳаллий сайёҳлар бўйича ҳам шундай иқтисодий динамика кузатилаётган. 2017 йилда 40 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 1 миллион 683 минг нафарга етди. Яъни 42 баробар ўсish қайд этилди.

Албатта, бу рақамлар ортда катта меҳнат, пухта режалаштирилган сиёсат ва изчил амалга оширилган ташаббуслар мумкин. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган ана шу сайёҳ-харакатлар нафақат сайёҳлар оқимини кўпайтирди, балки ҳудуд иқтисодиёти учун мустаҳкам замин яратди. Муҳими, янги иш ўринлари очилди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайди ва аҳоли даромадлари сезиларли даражада ошди.

Бугунги кунда Форш тумани мисолида туризмнинг қандай кучли иқтисодий ва ижтимоий омилга айланиётганини яққол кўриш мумкин. 2026 йилга келиб туризм соҳаси туман иқтисодиётининг асосий устунларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. У фақатгина даромад манбаи эмас, балки инфратузилмани ривожлантирувчи, аҳоли бандлигини таъминловчи ва тадбиркорликни рағбатлантирувчи кучли драйверга айланди. Туризм орқали кириб келаётган маблағлар нафақат туман газнасини тўлдирмоқда, балки ҳар бир хонадон, ҳар бир оила даромадига ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Айни пайтда туманининг туризм ривожланаётган қишлоқларида 30 дан ортиқ жойлаштирилган ҳотеллар, оилавий меҳмон уйлари, хостеллар ва кемпинглар фаолият юритмоқда. Бу эса ҳудуднинг сайёҳларни қабул қилиш салоҳиятини изчил ошириб бераётганидан даромад беради.

Туманининг Нурота тоғлари этақларида жойлашган қадимий қишлоқлари — Ухум, Мажмур ва Асраф бетакорр табии ва бой маданий мероси билан алоҳида ажралаб туради. Бу масканларда асрлар давомида шақлланган урф-одатлар, миллий турмуш тарзи ва табият билан уйғун ҳаёт тарзи ҳанузгача сақланиб қолган. Ана шу ноёблик эса сайёҳлар учун энг катта жозиба манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ухум қишлоғи тоғ бағрида жойлашган бўлиб, у ердаги сокин муҳит, мусаффо ҳаво ва аънанавий ҳаёт тарзи шаҳар шовқинидан чарнаган инсон учун гўёки табиий шифо манбаидир. Айниқса, қишлоқдаги қоятошларга битилган жуда ҳам қадимги петроглифлар, Нурота қўриқхонасидаги ноёб североқу қўйлар сайёҳларни кўп оқиб ўзига жалб қилади. Мажмур қишлоғи эса минг йиллик арчаси билан нафақат маҳаллий аҳоли, балки табият ихлосмандлари учун

ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу дарахт гўё асрлар гувоҳи сифатида вақт ва табиятнинг узвий боғлиқлигини намоён этади. Асраф қишлоғи эса қадимийлиги, бой табии ва самимий муҳити билан ҳар бир ташриф буюрувчининг қалбига ўчмас таассурот қолдиради.

Ушбу ҳудудларда экотуризм, агротуризм ва этнотуризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар мумкин. Сайёҳлар бу ерларда фақатгина дам олиш билан чекланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаёти, қишлоқ ҳўжалеги ишлари, миллий таомлар тайёрлаш жараёни ва қадимий аъналар билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўладилар. Бу эса турмадани оддий саёҳатдан маънавий бойиш ва маҳаллий мулоқот воситасига айлантиради.

Сайёҳлик мавсуми бошлангани билан бу қишлоқлар янада жонланади. Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Хиндистон каби давлатлардан келган меҳмонлар ҳудуд бўйлаб ташкил этилган жойлаштириш воситаларини тўлдирди, маҳаллий ҳаётга янги ҳаёт руҳ бағишламоқда. Туризм сир-асрорларини чуқур ўзлаштираётган қишлоқ аҳоли меҳмонларга юқори сифатли хизмат кўрсатиб, ўз меҳнатини самарасини кўрмоқда.

“Сўнгги йилларда юртимизда туризм соҳасида юз бераётган ўзгаришларнинг нафақат эшитиб, балки ўз ҳаётимизда чуқур ҳис қилиб келмоқдаман, — дейди Ухум қишлоғида яшовчи Элмурод Бердиев. — Бундан олти йил аввал, аниқроқ, 2020 йилда уйимда меҳмонхона очинишга қарор қилдим. 2021 йилдан бошлаб эса хоржий сайёҳларни қабул қилишни йўлга қўйдим.

Аввал қўриқхонада оддий ишчи эдик, фақат маошга қараб яшардик. Бугун меҳнатим ва оиламнинг сайёҳ-харакатлари билан сайёҳларга

хизмат кўрсатиб, барқарор ва муносиб даромад топаётганимдан мамнунман. Муҳими, бу иш фақат меннинг эмас, бундан оиланинг умумий меҳнатига айланди. Турмуш ўртоғим меҳмонлар учун миллий таомлар тайёрлайди, тандирда нон ёпади. Фарзандларим таржимонлик қилиб, меҳмонларни қишлоқ бўйлаб сайр қилдиради. Ака-укаларим ҳам бу ишга елкадош бўлиб, биргаликда меҳмонларимизни кутиб оламиз.

Бугун қишлоғимизда туризм нафақат тадбиркорлар, балки деярли ҳар бир хонадон учун даромад манбаига айланди. Қимдир отини ёки эшанини сайёҳларга ижарага бериб даромад қилмоқда, қимдир маҳаллий таксичилик хизматини йўлга қўйган. Чунки сайёҳларни олиб келган автобуслар қишлоқнинг юқори қисмига чиқолмайди. Шу боис, улар қишлоқдошларимизнинг такси хизматида эҳтиёж сезади.

Шунингдек, қишлоғимиз аҳоли меҳмонларга ўз маҳсулотларини тақлиф этмоқда. Қурут, турли хунармандлик буюмлари, маҳаллий мева-вақил ва миллий маҳсулотлар сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади. Шу эса ҳар бир хонадонга қўшимча даромад келтирмоқда”.

— Оддий қишлоқ аёлман, — дейди Элмуроднинг турмуш ўртоғи Оқила Бердиева. — Илгари уй ишлари билан банд бўлиб, ўз меҳнатимнинг иқтисодий қийматини унчалик ҳис қилмасдим. Бугун туризм сабаб ана шу оддий меҳнатим қадр толиб, оиламиз даромадида муносиб ҳисса қўшаётганини ҳис қилиб, қалбимда чексиз мамнунлик туяман. Ҳозир хоржидан келаётган меҳмонлар учун миллий таомлар тайёрлайман, тандирда иссиқ нон ёпаман, сиғир соғиб ёки сутдан турли маҳсулотлар тайёрлаш жараёнини амалий кўрсатиб бераман. Мен учун бу кундалик оддий юмушлар. Аммо

меҳмонлар бу жараёнларни катта қизиқиш, ҳайрат ва ҳавас билан кузатишади ва пул ҳам тўлайди. Айниқса, меҳмонларимизнинг самимий ҳайрати, илиқ сўзлари ва миннатдорлиги менга янада куч-ғайрат бағишлайди. Улар тандирда пишган ноннинг бетақдорр таъминини, янги соғилган сутнинг табиийлигини, миллий таомларимиз мазасини алоҳида эътироф этади. Шундай алаҳадлар нафақат меҳнат қилаётганимни, балки халқимиз маданияти, урф-одат ва аъналарини дунёга танитаётганимни ҳис қилиб фахрланаман. Албатта, бу меҳнатим муносиб баҳосини ҳам топмоқда. Масалан, катта гуруҳлар келганида бир кунда 200 долларгача

турizm бренди элчиси Софи Ибботсон туманининг Ухум қишлоғига ташриф буюрди. Элчи томонидан 26 март ҳолатига Буюк Британиядан мингга яқин сайёҳ booking.com платформаси орқали рўйхатдан ўтгани тасдиқланди, йил якунига қадар улар сони 3 минг нафарга етказиш бўйича келишувга эришилди.

“Ўзбекистон мен учун шунчаки саёҳат манзили эмас — бу қалбимга яқин, ҳар гал келганимда янги маъно касб этадиган, руҳимни бойитадиган мафтункор диёрдир, — дейди хиндистонлик сайёҳ Жасмун Сингх, — Биз бу юртга кўп йиллардан буён келамиз. Аммо Форш туманидаги қишлоқ ҳаёти билан танишганимиздан сўнг саёҳатларимизнинг мазмуну бутунлай ўзгарди. Бу ердаги сокинлик, табиятнинг мусаффолиги ва муҳими, инсонларнинг самимияти бизни ўзига ром этди.

Маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, аънавалари, кундалик турмуш тарзи билан яқиндан танишиш биз учун беқиёс тажриба бўлди. Айниқса, миллий таомлар тайёрлаш жараёнида иштирок этиш, тандирда нон ёпишни ўрганиш бизга ўзбек маданияти билан янада яқинроқ танишиш имконини берди.

Биз кўпинча тоғлар бағрида пиёда сайр қиламиз. Бу сайрлар давомида нафақат гўзал манзаралардан баҳра оламиз, балки ўзимизни табият билан уйғунликда ҳис қиламиз. Форшнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос бир ҳикояни сўзлаб берадигандек. Айниқса, биз истиқомат қилаётган уй меҳмонхонасидаги муҳит алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ердаги самимият, меҳр ва оилавий қадриятлар ўзига мафтун этди. Бир неча кун давомида мазкур хонадон аъзолари билан бирга яшаб, уларнинг кундалик ҳаётида иштирок этиш орқали ўзимизни гўё шу оиланинг бир бўлагидек ҳис қилдик. Бундай туйғун эса ҳеч қандай меҳмонхона ёки замонавий сервис билан солиштириб бўлмайди.

Албатта, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлар ўзининг улуғворлиги ва бетакорр мероси билан ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солади. Аммо сўнгги беш йил давомида биз айнан Форшдаги қишлоққа қайта-қайта келишни одат қилдик. Чунки бу ернинг ҳам тарихий шаҳарлардан қолшмайдиган жозибаси, дилга яқин инсонлари бор. Ўзбекистоннинг ана шундай қишлоқлари унинг энг катта бойлиғидир. Бу ерларда ҳақиқий қадриятлар ва инсон қалбини илтифатдан самимият маъжуд”.

Форш тажрибаси туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиш орқали чекка ҳудудлар ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, аҳоли фаровон яшайдиган масканга айланишини кўрсатмоқда. Юртимизда туризм нафақат иқтисодий драйвер, балки ижтимоий тараққиётни таъминловчи муҳим омилга айланиб бормоқда.

— 2026 йилда Форшга 80 мингдан зиёд хоржий сайёҳ ташрифи кутилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Элнора Умматова. — Албатта, бу экотуризм йўналишидаги ҳудуд

ушбу жуда катта кўрсаткич. Бундай натижаларга эришишда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, халқаро талабларга жавоб берадиган шариотлар яратиш асосий омил бўлмоқда. Ҳудудимизга қайта-қайта ташриф буюраётган сайёҳлар сони ортиб бораётгани қилинаётган ишларга берилган энг холис баҳоқдор.

Жорий йилнинг биринчи чораги натижалари ҳам бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини кўрсатмоқда. Туманга 9 минг хоржий сайёҳни жалб қилиш режалаштирилган эди. Аммо амалий натижалар таҳлили бундай меҳмонлар сони қарийб ўн ярим минг нафарга етганини кўрсатмоқда.

Яқинда Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги туризм бренди элчиси Софи Ибботсон туманининг Ухум қишлоғига ташриф буюрди. Элчи томонидан 26 март ҳолатига Буюк Британиядан мингга яқин сайёҳ booking.com платформаси орқали рўйхатдан ўтгани тасдиқланди, йил якунига қадар улар сони 3 минг нафарга етказиш бўйича келишувга эришилди.

“Ўзбекистон мен учун шунчаки саёҳат манзили эмас — бу қалбимга яқин, ҳар гал келганимда янги маъно касб этадиган, руҳимни бойитадиган мафтункор диёрдир, — дейди хиндистонлик сайёҳ Жасмун Сингх, — Биз бу юртга кўп йиллардан буён келамиз. Аммо Форш туманидаги қишлоқ ҳаёти билан танишганимиздан сўнг саёҳатларимизнинг мазмуну бутунлай ўзгарди. Бу ердаги сокинлик, табиятнинг мусаффолиги ва муҳими, инсонларнинг самимияти бизни ўзига ром этди.

Маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, аънавалари, кундалик турмуш тарзи билан яқиндан танишиш биз учун беқиёс тажриба бўлди. Айниқса, миллий таомлар тайёрлаш жараёнида иштирок этиш, тандирда нон ёпишни ўрганиш бизга ўзбек маданияти билан янада яқинроқ танишиш имконини берди.

Биз кўпинча тоғлар бағрида пиёда сайр қиламиз. Бу сайрлар давомида нафақат гўзал манзаралардан баҳра оламиз, балки ўзимизни табият билан уйғунликда ҳис қиламиз. Форшнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос бир ҳикояни сўзлаб берадигандек. Айниқса, биз истиқомат қилаётган уй меҳмонхонасидаги муҳит алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ердаги самимият, меҳр ва оилавий қадриятлар ўзига мафтун этди. Бир неча кун давомида мазкур хонадон аъзолари билан бирга яшаб, уларнинг кундалик ҳаётида иштирок этиш орқали ўзимизни гўё шу оиланинг бир бўлагидек ҳис қилдик. Бундай туйғун эса ҳеч қандай меҳмонхона ёки замонавий сервис билан солиштириб бўлмайди.

Албатта, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлар ўзининг улуғворлиги ва бетакорр мероси билан ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солади. Аммо сўнгги беш йил давомида биз айнан Форшдаги қишлоққа қайта-қайта келишни одат қилдик. Чунки бу ернинг ҳам тарихий шаҳарлардан қолшмайдиган жозибаси, дилга яқин инсонлари бор. Ўзбекистоннинг ана шундай қишлоқлари унинг энг катта бойлиғидир. Бу ерларда ҳақиқий қадриятлар ва инсон қалбини илтифатдан самимият маъжуд”.

Форш тажрибаси туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиш орқали чекка ҳудудлар ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, аҳоли фаровон яшайдиган масканга айланишини кўрсатмоқда. Юртимизда туризм нафақат иқтисодий драйвер, балки ижтимоий тараққиётни таъминловчи муҳим омилга айланиб бормоқда.

Фарҳод НЕҒМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ўғил-қизларнинг асосий вақти мактабда ўтади. Демак, ёшларга илм беришда мактаб асосий маскандир. Ўқув марказлари эса уларнинг энг яқин кўмакчиси бўлади. Шу боис, кейинги йилларда бу тизим буткул янги гача қиёфа касб этди.

КЎЗГҮ

5

2026 йил 10 май, 94-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news

Дунёқараш эврилиши

Инсон қадрини улуглаш ўқитувчилар мақомини юксалтиришдан бошланди

Давлатимиз раҳбари бошқаруving илк йиллариданоқ мактабдаги таълим тизимини туб ислох қилиш, бунинг учун, биринчи навбатда, мақомини ошириш орқали ўқитувчиларни мактабга қайтариш, айниқса, улар орасида эркак ўқитувчилар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки Президентимиз кучли давлат, юксак жаҳиат қуришни, аввало, мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилишдан бошлаш керак эканини теран англади. Ўқитувчилар эса бу тизимнинг асл эгалари эди.

Бир пайтлар Япония бош вазиридан давлатнинг урушдан кейинги муваффақияти сири нима экани ҳақида сўралди. Шунда бош вазир "Биз ўқитувчиларга



ХАФТАЛИК



МАҲОРАТ, БИЛИМ ВА КРЕАТИВЛИКНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН МЕДИА МАЙДОН

Юртимиз бўйлаб давом этаётган медиа ҳафталикнинг навбатдаги манзили Навоий вилояти бўлди. Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ташаббуси билан ўтказилаётган ҳафталик соҳадаги трансформация жараёнларида тажриба мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.



Навоий вилоятида ўтказилган ҳафталикда Ўзбекистон босма медиасидаги контент — амалиёт, муаммо ва ечим, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг асосий йўналишлари, таҳлилий репортаж тайёрлаш кўникмалари каби мавзуларга эътибор қаратилди. Шунингдек, Контент маркази монтаж усталари томонидан ушбу йўналишдаги техник янгиликлар бўйича мутахассислар билан биргаликда амалий машғулотлар ўтказилди.

— Ҳафталикка вилоятимиздан оммавий ахборот воситаларининг 200 дан зиёд вакили тақдир этилди, — дейди Навоий вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Шохриза Рауфбоева. — Ижодкорларимиз ичида ярим асрдан бери соҳада ишлаётган ҳам, энди бу майдонга "ўрнини топаман" деб келётган ёшларнинг ҳам бор. Контент маркази томонидан республикамиздаги таниқли, тажрибали, ўткир қалам соҳиблари, катта ижодкорлар тақдир қилинган. Журналистика доимий ўзгаришда, замон билан ҳамнафас, баъзан замондан ҳам илгарироқ юриш керак бўлади. Бу ишни амалга ошириш ўз ўзидан бўлмади, албатта. Шу нуқтаи назардан, бу каби ҳафталиклар жуда зарур. Ушбу медиа ҳафталикда туман, шаҳар ҳокимликлари, бошқармалар ва ташкилотларнинг матбуот котиблари ҳам фаол қатнашди.

Таълимнинг давомида журналистика, блогерлик, медиа саводхонлик ва рақамли контент яратиш каби йўналишларда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда маҳорат дарсларида иштирок этди. Машғулотлар ОАВ учун контент тайёрлаш маркази вакиллари, экспертлар, маҳоратли журналистлар

интернет имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш ҳақида тушуноча олди. Ҳафталикда фактчекнинг ва ахборотнинг ишончлилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчиларга фейк ахборотларга қарши курашиш, аудитория ишончини қозониш ва самарали коммуникация ўрнатиш бўйича амалий тавсиялар берилди. Машғулотларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ёритишда рақам ва статистик маълумотлар билан ишлаш, уларни визуаллаштириш ва аудиторияга тушунарли форматда тақдим этиш борасида тажриба алмашилди.

Медиа ҳафталикда ахборот соҳасини тартибга солуви кўнунчилик нормалари, журналистлар учун ҳуқуқий хавф зоналари, стратегия қарорлар қабул қилиш масалалари ҳам кенг ёритилди. Ижтимоий масъулият ва касб этикаси ҳар қандай контентдан устун туриши лозимлиги яна бир бор таъкидланди. Шунингдек, ўтказилган тест синаволи орқали ахборот хизмати ходимларининг касбий билим даражаси баҳоланди.

Ҳафталик ҳақиқий медиа атмосфераси, креатив гоғлар ва илҳомбахш семинарларга бой тарзда ўтди. Маҳорат дарслари, интерактив мулоқотлар ва амалий машғулотлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Контент яратиш, SMM ва рақамли медиа, сунъий интеллект имкониятлари, медиамаданият, кризис



томонидан ўтказилди. Босма ва рақамли оммавий ахборот воситаларида контент яратиш амалиёти, унинг заиф нуқталари ва ечимлари, ёшларнинг креатив фикрлари, замонавий ёндашувлари ва медиага қизиқиши тақдирга янада юқори кайфият бағишланди.

Ҳафталикнинг сўнгги кунинда ташкил этилган медиафорум доирасида ўтказилган семинар ва тренинглар ҳақида ижобий фикрлар билдирилди. Контент маркази лойиҳалари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати тақдиротлари намойиш этилди. Шунингдек, ҳафталикда фаол иштирок этган журналистларга сертификатлар топширилди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ АЙНАН МАКТАБЛАРДА ҚЎЙИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиллар давомида яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 олтин, 147 кумуш, 221 бронза медални қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли университетларда таҳсил олаётган ёшларимиз 500 дан, нуфузли ОТМлар 100 талиғидаги олийгоҳларда ўқитган йигит-қизларимиз 3500 дан ортди. Ушбу рақамлар Ўзбекистон бежиз эътироф этилмаганининг исботидир. Келинг, ушбу натижаларга замин ҳозирлаган таълим соҳасидаги орта қайтмас, юртдошларимиз дунёқарашда эврилиш юз беришига сабаб бўлган ислохотларни бирма-бир ёдга оламиз.

Илм-маърифат — келажак қафолати

Таълим соҳасига қараш бундан ўн-ўн беш йил олдин буткул бошқача эди. Илгари юртдошларимиз фарзандларига "Ўқиб олим бўласанми, шу тўртта кўйни боққанинг маъқул" ёки "савдонгни қилавер", дея танбеҳ берарди. Бугун эса билим олишга фаровон ҳаётнинг қафолати, келажак пойдевори сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон илм-фан мамлакатига айланиб бормоқда.

Эсингиздами, илгари ҳудудларда тўйхона қуриш энг мақбул тадбиркорлик йўналишига айланганди. Фақат марказий шаҳарларда эмас, балки олин қишлоқ ва овулларда ҳам бир-икки тўйхона бўларди. Таълимдаги янгилинилар, университет ва институтларга ўқишга кириш бўйича давлат имтиҳонлари шаффофлашгач, ёшлар учун олий таълим муассасалари эшитини омадиган "олтин калит" фақат илм экани ойдинлашиб қолди. Натижада шаҳар қишлоқларда ўқув марказлари ташкил этила бошлади. Илм бериш, имтиҳонга ўқувчиларни тайёрлаш тадбиркорлигининг энг самарали йўналиши бўлиб қолди. Ҳатто тўйхоналарнинг айримлари қайта жиҳозланиб, ўқув марказларига айлантирилди.

Албатта, ўқув марказларининг кенг омалашувида яратилган қулай шарт-шароит, имтиёз ва рағбатларнинг йил сайин ортиб бориши ҳам пухта замин ҳозирлади. Хусусан, ўқув маркази очган ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит, чекка ҳудудларда эса 120 миллион сўмгача фойзсиз ссуда берилади. Шунингдек, хусусий ўқув марказларида хорижий тилларни ўрганадиган ёшлар тўловининг "2+6" ой шаклида қоплаб берилиши тармоқнинг янада гурибрак янгилашга хизмат қилди.

Натижада хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификатга эга ёшларни қўллаб-қувватлаш механизми самара бериб, сертификатли йигит-қизлар 600 мингдан ошгани, хорижий тилларни мукамал билладиган 72 минг инструктор шаклланди. Хусусий ўқув марказлари сони 3 қарра кўпайиб, 38 мингдан ошди.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан очик мулоқотида қайд этилишича, энди Хусусий ўқув марказлари уюшмаси тузилиб, уюшма аъзоси бўлган марказларга биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинмаган даромад ва фойда солиғини тўлашдан озод этилади. Бундай марказлар ўқитувчиларини илгор таълим марказларига стажировкага юбориш амалиёти йўлга қўйилди. Яъни тармоқ ягона катта кучга айланиб, иш самарадорлиги қаррасига ортиши кўзланмоқда. Шунингдек, "Кўмак" дастури доирасида олис

ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача фойзсиз ссуда берилади. Олин ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фойз, ўқитувчилар учун даромад солиғини 7,5 фойз миқдорига тўлайди.

Ўғил-қизларнинг асосий вақти мактабда ўтади. Демак, ёшларга илм беришда мактаб асосий маскандир. Ўқув марказлари эса уларнинг энг яқин кўмакчиси бўлади. Шу боис, кейинги йилларда бу тизим буткул янги гача қиёфа касб этди. Маърифат майдонига Президент мактаблари кириб келди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу мактаблар ҳудудлар бўйлаб кенг миқёсда ташкил этилди. Турли синовлар билан иқтидорли ёшлар саралаб олинган ушбу мактаб битирувчилари нафақат маҳаллий, балки хорижий таълим муассасаларида ҳам ўқиш имкониятига эга бўлди.

Кейинчалик Иختисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ташкил этилиб, умумий ўрта таълим мактаблари орасида иختисослашган янги муассасалар — Президент ҳамда ижод ва турли фанларга иختисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди. Улардаги ўқитиш сифатини юзлаб битирувчиларнинг маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларида мuddатидан олдин ўқишга қабул қилинаётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина мисол: 2024 йили Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Абдулазиз Собиров дунё рейтингига етакчи 5 талikka кирувчи Гарвард университетига грант асосида ўқишга қабул қилинган. Шунингдек, ўтган йилларда Асилбек Ашуров, Гўзал Хайдарова, Сайфулло Саидов нуфузли 10 та ОТМ қаторидаги университетларга грант асосида ўқишга кирди.

Президент мактаблари муваффақиятли тузилма сифатида ҳам Ўзбекистон илм машаллини жаҳон сахнига олиб чиқмоқда. Жумладан, 2025 йил январда Тошкент шаҳридаги Президент мактаби Шайх Зоид Ол Наҳаён номи билан аталуви барқарор ривожланиш соҳасидаги ютуқлар учун мукофотнинг "Глобал ўрта мактаблар" номинациясида ғолиб деб топилди. Дунёда экологик масалалар тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Тошкентдаги Президент мактаби ўқувчилари ўқитувчиси билан бирга айнан ана ўша глобал муаммога ечим бўладиган лойиҳаси билан танловда тенгсиз деб топилди.

Бошқа турдаги давлат мактаблари фаолияти ҳам танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, ислох этилмоқда. Жумладан, уларда аниқ фанлар, ахборот технологиялари, чет тили бўйича махсус (ихтисослаштирилган) синфлар очилди. Ушбу ўзгаришлар кўламини хусусий секторнинг ҳам ўз ўрни аҳамияти бор. Тармоқдаги кенг кўламли ислохотлардан сўнг омалашган фақат бир функцияли катта-кичик ўқув марказлари рақобатбардорлиги сусайди. Энди улар ҳам моддий-техник базасини янгилаб, хусусий мактаблар кўринишига ўта бошлади. Асосий омили рақобатбардорлиқни ошириш, давлат томонидан тармоққа берилган имтиёз ва имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳамда янада жойбардорлиқни ошириш бўлди. Ўтган беш йилда қурилган давлат мактабларидан хусусий мактаблар сони кўп. Бизнеснинг олтин қоидаси бу — талаб бор жойда тақдир пайдо бўлади. Ушбу факт ҳам таълим тизимидagi ислохотлар нафақат соҳани, балки юртдошларимизнинг илм-фан, маърифатга интилиши, қизиқишини юксалтиргани, дунёқара-


шини ўзгартганини билдиради. Аммо бу билан ислохотлар бир зум бўлса ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча янги лойиҳа ва ташаббуслар янада шиддат билан давом этмоқда. Жумладан, ўтган йили тизимда катта ўзгариш ва янгиликлар бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг пировард мақсади фақат иختисослашган мактаблар ёки хусусий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини оширишига эмас, балки мамлакатдаги барча мактабларда таълимнинг юқори сифатини таъминлаш орқали халқнинг саводхонлик даражасини яўтартиш ва Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантиришдан иборат. Президентимиз бошчилигида 2025 йил 9 сентябрда бўлиб ўтган мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар белгилаб берилди. Хусусан, халқор стандартларга мослаштирилган таълим тизимига ўтилиши қайд этилди. Бу ўзбек ёшларининг нуфузли халқор университетларга ҳужжат топширишидаги айрим тўсиқларни бартараф этди.

Шунингдек, янги ислохотларга кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ягона давлат имтиҳонлари жорий этилади. Яъни мактаб

императорнинг хурматини, эгичининг дахл-сизлигини ва вазирининг маошини бердик", дея жавоб беради. Тўғри, ўхшатиш бир оз ноўрин бўлиши мумкин. Лекин Ўзбекистон кўп йиллик ижтимоий-иқтисодий ўсишда турғунлик даврини бошдан кечираётган эди. Бундан эса, биринчи навбатда, умумий ўрта таълим тизими жабр чекаётгани. Боиси, ўша йилларда ўқитувчилар болаларга таълим-тарбия берувчи муҳтарам устоз эмас эди. Ҳокимият вакиллари учун мажлисларни тўлдирадиган кишилар, ё бўлмаса, турли хашарларга жалб қилинадиган бюджет вакиллари эди. Солиқчилар учун солиқ йиғувчи, маҳалла фаоллари учун уйма-уй юриб, оилаларни яраштирувчи, оилавий низоларни бартараф этувчи кишилар эди. Бир сўз билан айтганда, уларнинг мактабдан бошқа ҳамма жойда ишлаётганини кўриш мумкин эди. Давлат идоралари вакилларининг бундай муносабати юртдошларимиз, айниқса, ёшлар онгида улуг касб эгаларига нисбатан нотўғри дунёқарашни шакллантириб қўйган эди. Кўп бор ота-оналарнинг мактаб ўқитувчиси билан жанжал қилиши, ҳатто ўқувчиларнинг ўз устозига қўл кўтариши ҳолатлари гувоҳи бўлиб ўша кезларда.

Президентимиз ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати янги Ўзбекистон пойдеворини эканини таъкидлаб, биринчи навбатда,



уларни мактабларга қайтарди. Бу соҳадаги мажбурий меҳнатга кескин ва муросасиз ёндашди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг хизматидан моддий манфаатдорлигини орттириб, "ўқитувчилар минг доллар ойлик олади", дея сўз берди. Минбардан сўзланган бу гапларга кўнунчилик ишонқирамади. Сабаби ўша даврларда педагоглар бундай ойликни ҳатто орзу ҳам қилмас эди. Аммо бугунга келиб, соҳадаги янги ташаббус ва лойиҳалар натижасида ўқитувчилар бундан ҳам кўп ойлик маош олишига пухта имконият ҳозирланди.


Албатта, бундай имконият фақатгина илм йўлида фидойилик кўрсатаётган касб эгаларига насиб этмоқда. Сабаби гуруч кураксиз бўлмаганидек ўз устида ишламайдиган, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашмайдиганлар билан муаммалик номига шараф келтираётганлар билан хил рағбатлантирилиши нотўғри бўларди, албатта. Шу боис, турли сертификат, малакани белгиловчи имтиҳонлар жорий этилди. Ўқитувчиларнинг доимий ўз устида ишлаши катта даромад топишига асос бўлмоқда.

Охириги йиллардаги ислохотлар натижасида илмга, илм эгаларига қаратилган эътибор устозлар қадрини мисли кўрилмаган чўққига олиб чиқди. Уларни масъулларнинг зугумидан қутқариб, моддий таъминотини яхшилади, жамиятнинг энг хурматли инсонларига айлантирди. Ислохотлар ўзбек ўғил-қизларининг мазкур соҳага қизиқишини оширди. Бугун ўқувчилар ўқитувчи бўлишни орзу қиляпти. Ота-оналар фарзандларининг педагог бўлиш истagini рағбатлантиришти. Халқимизнинг дунёқарашини буткул ўзгартириб, касб фидойиларининг қадрига етказилган бўлди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз бу борада жамиятга, халққа энг катта ўрناق кўрсатди.

Орта қайтмас ислохотлар натижасида янги Ўзбекистон илм-маърифат давлатига айланиб бормоқда. Шу боис, Учинчи Ренессанс пойдевори айнан мактабларда қўйилиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири





Пойтахтимиздаги Муқимий театри биносига деярли туташ хонадон — шоир, ёзувчи, академик Ғафур Ғулом уй-музейи, замонавий тилда айтганда, энг қулай локацияда жойлашган. Манзили Арпапов кўчаси бўлган икки қаватли хонадонда адиб 1944-1966 йилларда яшаб, ижод қилган.

Ғафур Ғулом асарлари кириб бормаган ўзбек хонадон бўлмас керак. Ижодкордан қолган адабий мерос миқёси ва моҳияти ниҳоятда катта. Вафотидан 17 йил ўтиб, 1983 йили адиб хонадон уй-музейга айлантирилган. Уй дастлаб қандай бўлса, шундайлигича сақлангани ўша давр архитектурасининг ўзига хослигидан сўзлайди.

Тарихий маскан адабий экспозиция ва мемориал мажмуани қамраб олган. Махсус стендларда ижодкорнинг таржималари ва академик соҳадати фаолияти намуналари намойиш этилган. Музейнинг учинчи залидан халқнинг Ғафур Ғуломга муҳаббати ва ҳурматини намоян эътибор билан экспонатлар ўрин эгаллаган.

Кўрғазма залида шоирнинг болалиги, ўсмирлиги ўтган XX аср бошларидаги Тошкент тасвири, эски шаҳар манзараларидан тортиб, умрининг сўнгига қадар бўлган воқеалар акс этган. Ғафур Ғулом савод чиқарган ўша давр мактабларининг кўриниши, ўқув қуроллари, бўйлар экспозицияга қўйилган. Мис кўза, лаганлар, мойёвон каби рўзгор буюмлари бутун оиланинг кунига яраган бўлса, снэхдон, қулдон, телефон, ёзув машинкаси, дунё янгиликларидан хабардор қилиб турадиган радиоприёмник асосан адибга асқатган.

Шоир яшаган унинг шинамгина макети — рамзий хона экспозиция залиннинг бир бурчагидан ўрин олган. Унинг тоқли шифти, тахмонга йирилган кўрпачалар, чўғ солиб ишлатилган дамол, қўйинги, барчаси кўп фарзандли оиланинг эл қатори кун кечирганини акс эттириб туради.

Мураббийлик, ўқитувчилик, журналистик фаолиятдан тўғривчи берибчи суратлар Ғафур Ғуломнинг болаликдан тиниб-тиничмагани, тирикчилик кўйида турли юмушларни қилиб кетаверганини яна бир бор ёдга солиди.



10 май — Ғафур Ғулом таваллуд топган кун

Ёзувчи асарларига ишланган суратлар. “Шум бола” қиссасига бағишланган бўлим, айни пайтда бутун дунёга машхур бу асарнинг қўл-ёзмаси, унинг “Довдираш” номли биринчи наشري, турли тиллардаги таржимаси адабиёт илосмандлари учун қизиқarli бўлиши аниқ.

Экспозициялар орқали Ғафур Ғуломнинг илмий фаолиятига доир маълумотлар адибнинг чиндан-да биринчилардан бўлиб академиклик унвонига муносиб бўлганини кўрсатади. 60 йиллик юбилеи тантаналари акс этган фотосуратлар эса ҳукуматнинг шоирга юксак ҳурматини тарихга муҳрлаган. Туркман, қозоқ ижодкорлари совға қилган миллий кийимлар нафақат миллатимиз, балки қўллаб халқларнинг Ғафур Ғуломга самимий меҳрини ифода-лаб турибди. Чет эл нашрларида шоир ҳақида чоп этилган мақолаларни кўриб, яна бир қарра фахрланасиз.

Ҳайкалтарош Райхон Шобдурасулова “Шум бола” асарига ишлаган ҳайкал — Қоравойнинг тандирдан чиқиб турган ҳолати асарга ишланган фильми ёдга солиди. Уруш йилларида ёзилган шеърлар, етимлик изтироби акс этган суратларнинг барчаси бизни Ғафур Ғулом оламига яқинлаштиради.

Мемориал қисм эса 6 хона: болалар ва катталар ётоқхонаси, ижодхона, меҳмонхона, дам олиш хонаси ва кутубхонадан иборат. 12 минга яқин экспонат жой олган уй-музейга ҳар йили ўн минглаб ватандошимиз ва хорижий меҳмонлар келади.

“Мен туғилганимда отам Ғулом Мирза Ориф 35 ёшда, онам Тошбиби Шоносуп 21 ёшда экан. Отам адабиётга жуда қизиқар экан. Уйимизга ўзбек шоирлари ва хаттоларидан Хислат, Шомурод котиб ва бошқалар келиб юрганни эс-эс биламан. Фарғона водийсидан келадиган шоирлар ҳам: Муқимий, Тошхўжа, Асирий, Фуқрат, Муҳйи ва бошқаларнинг бизникига кўп келганини айтади. Отам “Мирза” ва “Ғулом” тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган. Онам ҳам ўзбекча, тожикча адабиётларни ўқиб, англай оладиган зехли хотинлардан эди”, деб ёзган эди адиб хотираларида.

Дадаси Ғулом Мирза Ориф баъзи манбаларда деҳқон сифатида кўрсатилган. Келес атрофларида ўзининг 5-6 таноб ерида экин экиб, деҳқончилик билан шугулланган. Деҳқончилик мавсуми бўлмаган пайтларда эса шаҳарда одамларга ариза ёзишда ёрдамлашган. Уч тилни билгани сабаб исмининг ёнига ориф лақаби қўшиб айтилган.

Ғафур Ғулом 9 ёшида отасидан, 12 ёшида онасидан етим қолади. Боз устига ўша пайтда Биринчи жаҳон уруши бошланган эди. Уч сингилга ғамхўрлик қилиш катта фарзанд сифатида Ғафурнинг чекига тушади. Кўчада турли юмушларни бажариб, оила боқоши билан бир қаторда аввал эски мактабда, кейин рус-тузем мактабда ўқийди.

Асли беш ёшдан эскича ёзувда саводчи қилганда ёш Ғафур кутубхонадан ўзи йиққан чилларга китоб сотиб олиб (ўша пайтлари кутубхоналарда китоблар сотилган ҳам), ҳеч қаерини шикастламай ўқиб ва қайтариб олиб борса, китоб сотувчи бошқасига алмаштириб

АВЛОДЛАРГА ЕЛКА ТУТГАН АКАДЕМИК

берар эди. Экспонатлар қаторида Ғафур Ғулом арабий имлода ўқиган китоблари асл нусхасида келтирилган. Улар орасида Навойнинг “Девон”и ҳамда Жомийнинг “Ҳафт авранг”и ҳам бор.

Экспонатлар орасида Ғафур Ғуломнинг шахсий кутубхонасидан 2000 га яқин китобни Тошкентдаги 90-мактабга совға қилгани тўғрисида газетада чоп этилган мақола ҳам бор. Шоир болаларни жуда яхши кўрганидан ижодида болаларга бағишланган асарларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. “Икки болалик”, “Биламан”, “Сени Ватан кутмоқда” шеърлари, “Сиз менинг ёшлимисиз”, “Тургун ва ўрдак”, “Тонготар қўшиғи”, “Бир гунча очилгунча” каби болаларга бағишланган шеърли тўпламлари шулар жумласидан.

Уй-музей экспонатлари ўтмишни кўз олдимизда яққол гавдалантириб, мозий қаъридан сўзлайди. Унга қулоқ тутсангиз, қўллаб ишларда ўзини синаб кўрган Ғафур Ғулом 1923 йили босмахонада харф терувчи, сўнг устози Абдурахмон Сохибевнинг маслаҳати

йиғлатиб қулдирадиган ҳажвий ҳикоя ва қиссалари эл орасида машхур.

“Ғафур Ғулом — буюк аллома” экспозициясида унинг илмий фаолияти кўрсатиб берилган. Шоир ўзидан олдин ўтган ижодкорларнинг фаолиятига қизиқиш билдириб, асарлари устида илмий тадқиқотлар ўтказган. Улар орасида Алишер Навоий ижоди устулик қиларди. Навойнинг “Фарҳод ва Ширин” достони насрий баёнини ёзиб, ўзбек китобхоналарига тақдим қилади. Шунингдек, “Навоий ва бизнинг давр”, “Фольклордан ўрганайлик” тадқиқотларини, “Жалолитдин драмси ҳақида”, “Муқимий” мақолаларини ёзади.

“Шум бола”, “Ҳасан Кайғий” каби ҳажвий асарларига ишланган карикатуралар, “Ёдгор”



даражада киришми бўлгани ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Миртемир бундай ёзади: “Мен Ғафур Ғулом билан талай гурунларда, тўйларда, йиғинларда, ҳашарларда, сафарда ва меҳмондорчиликларда бўлганман. У хаётни билар, одамларни билар эди, адаб ва удумдан тўла хабардор, шеваларни билар, қардош тилларни билар, туркман дуч келса — туркман, татар учраса — татар, Нозим Ҳикмат келса — турк, қозоқ рўбарў бўлса — қозоқ, тожик даврада — тожик, Алексей Сурков кўриниб қолса ё меҳмон бўлса — рус... У нечоғлик мунис, нечоғлик мушфиқ, дилкаш, ҳозиржавоб, хуштаб, хушқачақ, ҳазилкаш (ўз ўрнида), суҳбатчи қойилмақом, садоқатли дўст”.

Экспонатларда Ғафур Ғуломнинг ўзбек таржимачилигига қўшган ҳиссаси ҳам бекиёс экани тўлақонли оқиб берилган. Пушкин, Лермонтов, Нозим Ҳикмат, Шота Руставели, Низомий Ганжавий, Шекспир, Данте, Пьер Бомарше, Лопе де Вега ва жаҳон адабиётининг бошқа вакиллари асарларини ўзбек китобхоналарига тақдим қилган. Шекспирнинг “Отелло” ва Нозим Ҳикматнинг “Бир севги афсонаси” асарлари айнан Ғафур Ғулом таржимасида театр сахнасига олиб чиқилган.

Шоир Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам барқалиб ижод қилган, ўз даъватлари билан жангчилар ва фронт ортадаги руҳани руҳан-тирган. “Сен етим эмассан”, “Сени кутяпман,

ўғлим!”, “Вақт”, “Кузатиш”, “Аёл”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” шеърларини ёзган. “Сени кутяпман, ўғлим!” шеърда шоир фронт ортида қаҳрамонона меҳнат қилган оталарнинг сабри ва кучини мадҳ этади. Шунингдек, “Шарқдан келмоқдаман” тўпламидан жой олган “Баҳайбат”, “Ғалабачилар қўшиғи”, “Хотин” шеърларининг моҳиятини ҳам айни мавзу ташкил қилади.

Урушдан кейинги йиллардаги “Янги шеърлар”, “Ўзбекистон оловлари”, “Оналар”, “Ўзбек халқи гурури”, “Тонг қўшиғи”, “Яшасин, тинчлик!”, “Бу — сенинг имзонг”, “Дунё минбаридан” номли шеърли тўпламларда тинчлик қадри, ўзбек халқининг меҳнат фаолиятидаги муваффақиятлари ҳақида қуйлаган.

Шарқ мумтоз шеърининг ҳам, Европа ва рус лирикасини ҳам мукамал билган устоз шоир ижодида янгича тўлқин, алоҳида оқим, ўзига хос услуб мужассам. Ғафур Шарқ оҳангини ўзига сингдирган ўша муштаракликка туркча характернинг қоричуви жаҳон поэтик маданияти саҳнида ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрин эгаллашига сабаб бўлди. Уни фидойи, болажон, меҳнаткаш, инсонпарвар халқимизнинг бадиий тимсолини ҳам шеърда, ҳам насрда ёритган буюк сўз устаси, дейиш мумкин.

Уй-музей ҳовлисининг юқори қисмида шоирнинг 1983 йилда тайёрланган ҳайкали қад ростлаган. Айни кунларда таваллудига 123 йил тўлган академик Ғафур Ғулом сиймоси бугунги ёш, забардаст, улкан мақсадларни кўзлаган авлодларга боқиб, “Сиз, ахир, осмонни олмақ бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермаин”, деб турибди гўе...

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Фестиваль

Бойсун инсоният цивилизациясига бешик бўлган замин. Бу гўшада тарихий тараққиётнинг илк босқичлариданоқ жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти ривож топган. Тоғлари каби урф-одат ва аънавалари ҳам мустаҳкам, қадимий.

Жорий йил май ойининг дастлабки ўн кунлигида ташкил этилган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали очик осмон остидаги дўстлик, санъат, миллий қадриятлар байрами сифатида хотираларга муҳрланди. Халқимизнинг бой маданиятини яна бир қарра дунёга намойиш этди. Шу билан “Бойсун баҳори”нинг навбатдаги — ўн учинчи мавсуми ҳам ўтди.

— Миллий қадриятларимизни улуғлаб, ёш авлод онгу шуурига сингдириш, дунёга кенг таранум этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган “Бойсун баҳори” фестивали ҳам бунга яққол мисол, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Денов тумани бўлимчиси раҳбари Тоштемир Турдиев. — Фестивалда 40 дан ортик давлатдан 100 дан зиёд фольклор жамоалари, қолаверса, сайёҳлар, хорижий делегациялар иштирок этди. Асосий тадбирлар Ғафур Ғуломнинг Бибишарин маҳалласида қурилган сайёҳлик мажмуасида ўтказилди. Мана шу комплекснинг бунёд этилганининг ўзбек юртимиздаги янгилаштилар жараёни қанчалик самарадор ва кенг кўламада кечяётганини кўрсатади.

Ушбу майдонда концерт томошалари, кўрғазмалар, шаҳар ва туманлар кўрғонлари, йирик амфитеатр жойлашган. Байрамда фольклор санъати намойиши, миллий спорт ва халқ ўйинларига кенг ўрин берилди. Ташкил



“Бойсун баҳори” — МИЛЛАТ РУҲИАТИ, ҚАДРИЯТЛАР ВА ЎЗЛИК ТАНТАНАСИ

этилган кўрғонларда воҳанинг ҳар бир худудига хос удумлар ва турфа аънавалар намойиш этилди. Хунармандлик кўрғазмалари воҳа аҳли аждодлар меросини қалб кўрида авайлаб асраб, асрлар давомида ривожлантириганди далолат берди. Туризм мажмуасида айланса беш метрли улкан тандир ўрнатилиб, бойсуникларнинг тадбирга тўенаси сифатида қадимий ноёб таом — тандиргўшт тайёрланди. У хориждан келган меҳмонларда катта қизиқиш уюғди.

Фестивалнинг халқаро кўрик-танловида мамлакатимизнинг энг сара фольклор жамоалари билан бирга 40 га яқин давлатдан келган санъаткорлар маҳорати ва фольклор санъатини намойиш этди. Уларнинг чиқишини малакали ҳақамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Халқаро фестивалнинг фольклор йўналиши голиблари тақдирланди. Жумладан, Сурхондарё вилояти “Бойсун” фольклор-этнографик жамоаси биринчи, Бухоро вилояти “Жондор” фольклор-этнографик жамоаси ва Беларусь Республикасининг “Беларуски гасинес” жамоалари иккинчи ўринни эгаллади.

Навоий вилояти “Хушанамон” фольклор-этнографик халқ жамоаси, Локистон Ислому Республикаси “Шамамастана Базм Бойз”, Тошкент вилояти “Кўзмунчоқ” фольклор-этнографик жамоалари учинчи ўринга муносиб кўрилди.

“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалнинг тақдирлаш маросимиде миллий халқ ўйинлари ва томоша санъати йўналиши бўйича голибликни қўлга киритган

жамоаларга ҳам пул мукофотлари ва статуэткалар тантанали топширилди. Жиззах вилояти “Богдон” фольклор-этнографик халқ жамоаси, Россия Федерацияси “Радовес” фольклор жамоаси, Қорақалғистон Республикаси “Мерос” фольклор-этнографик халқ жамоаси голиб жамоалар сифатида эътироф этилди.

Фестиваль доирасида кураш мусобақаси ҳам ўтказилди. Унда вазн тоифалари бўйича голиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди. Жумладан, Бекмурод полвон Олтибоев “Кобальт” автомобиллини қўлга киритган бўлса, Муҳаммадқарим Хуррамов ва Шермухаммад Жандриев фахрий ўрин соҳиблари сифатида мукофотланди.

Шунингдек, тадбир доирасида икки кун давомида жамоавий ва яккалик

йўналишларда улоқ-кўпқари мусобақалари ҳам юқори савияда, қизгин ва муросаз баҳсларга бой тарзда бўлиб ўтди. Мусобақа якунларига кўра, голиб жамоалар аниқланди, уларга муносиб совринлар топширилди. Жумладан, сурхондарёлик чавандозлар биринчиликни қўлга киритиб, бош соврин — “Кобальт” автомобиласига эга чикди. Иккинчи ўрин эса Тошкент вилояти жамоасига насиб этди.

Фестивалда сайёҳларнинг воҳадаги ноёб археологик ва тарихий обидалар, бошқа

туристик масканлар билан яқиндан танишишга қулай имконият яратилди.

— Бойсундаги фестивалда биринчи марта қатнашишим. Ундаги муҳит, ранг-баранглик ва самимиятдан катта таассурот олдим. Фестиваль ниҳоятда гўзал ўтди. У ўзида миллий либослар, куй-қўшиқлар ва аънаваларни ўйғунлаштиргани билан аҳамиятли, — дейди италиялик сайёҳ Нозме Белло. — Шу тадбир туфайли Ўзбекистондаги маданиятни яқиндан ҳис қилдик. Халқимизнинг бой мероси ва меҳмондўстлик руҳини теран англадик. Мен барчага бу фестивалга, албатта, келишни тавсия қиламан. Бу шунчаки томоша эмас, балки қизиқ ва ўзига хос маданиятларни ҳис этиш учун ажойиб муҳит.

Фестиваль дастурига мувофиқ, тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида халқ ансамбллари ва бадиий жамоалар, баҳши-оқинлар чиқишларига кенг ўрин берилди. Дрон ва лазер шоулари, мушакбозлик, танқид санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари меҳмонларни ҳайрат ва ҳаяжонга солди.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz-405

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
30570 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусахҳис: Шероод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:36 Топширилди — 22:15